БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 9 май

Чоршанба

№ 88. (13. 524).
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ



ҒАЛАБА АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Сизларга таъзим қиламиз

УРУШ, МЕҲНАТ ВА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ВЕТЕРАНЛАРИ БИЛАН КРЕМЛДА УЧРАШУВ

Йиллар озодлик, шон-шараф ва мустақилликни қаттиқ туриб ҳимоя қилган, инсониятга қарши даҳшатли куч — фашизмни тор-мор келтирган совет халқининг буюк ва машаққатли жасоратини хотирадан ўчира олмайди. Фронтда қўлда қурол билан ёки мамлакат ичкарисида ғалабани таъминлаган кишилардан абадий миннатдормиз.

Улар, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари анча ёшга бориб қолишди: ҳар ҳолда сўнгги ғалаба тўплари отилган пайтдан бери орадан 45 йил ўтди. Аммо улар 7 май куни Кремлга, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари ўтадиган залга таклифнома олгач, ўзларининг байрамларда кийиладиган ҳарбий либосларини кийгач, гўё яшариб кетгандек бўлдилар. Кўкракларига кўплаб жанговар мукофотлар билан ёнма-ён қаҳрамонлик Олтин Юлдузларини ва Шуҳрат юлдузларини ифтихор билан қададилар.

Фронт ва фронторти ветеранлари бу ерга фақат ўзлари эмас, балки бошқа ветеранлар билан бирга келишди. Бу ветеранлар ёш бўлишса-да, Афғонистондаги жангларда тобланган мард собиқ жангчилардир. Дарвоқе, бу ўринда «келишди» десак унча аниқ бўлмайди: кўпгина кишилар ўзлари яшаб турган жойлардан юзлаб, минглаб километр йўлни босиб ўтдилар. Ветеранлар — асли байналмилал кишилардир: ҳужумга кира туриб, қонининг группасини сўрашмаган. Улар биргаликда қон тўкиб, муштарак хонадонимиз — Ватанимизни — муштарак озодлигимизни ҳимоя қилганлар.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам улар байрам либосида ва зал ҳам бутунлай байрам тусидадир. Фикрлашув эса расмиятчиликдан, тантанабозликдан холи, самимий, ҳаяжонли ва бугунги турмуш услубига хос, баъзан эса кескин тарзда бўлди.

Президиумда М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, СССР Президентлик Кенгашининг аъзолари билан бир қаторда тилларда достон бўлган уруш қаҳрамонлари, совет ҳарбий саркардалари ўтиришибди.

Учрашувни **М. С. Горбачев** очди. У шундай деди:

Азиз ўртоқлар, бу ерда партия Марказий Комитетида, Кремлда Совет Иттифоқи Қаҳрамонларини, барча Шуҳрат орденлари нишондорларини, уруш ва меҳнат ветеранларини, совет Қуролли Кучлари ва ёшлари вакилларини улуғ байрам — Ғалаба куни арафасида самимий муборакбод этаман.

Сизларни табриклар эканман, азиз ўртоқлар, барчангизни, ғалаба ижодкорлари ва ворисларини мана шу байрам билан ҳам қутлашни истардим.

Совет кишилари фронт қатнашчилари ҳамда оғир уруш йилларида мамлакат ичкарисида фидокорона ва садоқат билан меҳнат қилган, фабрикаларда, заводларда, колхозларда, фермаларда, илмий лабораторияларда ғалабани таъминлаган кишилар кўрсатган жасорат олдида таъзим қиладилар. Улар ўша йиллар авлодлари урушдан кейин мамлакатни вайроналардан тозалаб, уни тинч турмушга қайтариш учун қилган барча ишларидан миннатдордирлар. Ҳозир ҳаёт бўлган биз ҳаммамиз совет кишиларининг уруш йилларининг ғоят кўп маҳрумликлар ва қийинчиликларини ўз зиммасига олган кекса авлодларидан чексиз миннатдормиз.

Ветеранлар буюк ва қаҳрамонона, фожиали ҳаётни бошдан кечирдилар. Уларнинг жанговар меҳнати туфайли кўп жиҳатдан бутун дунё тақдирига жуда катта таъсир кўрсатадиган қудратли давлат барпо этилди. Совет кишиларининг мана шу авлоди кўрсатган жасорат, буюк Ғалабага улар қўшган беқиёс ҳисса бўлмаса, бугунги кунда биз жамиятимиз тараққиётининг мана шу босқичида ўз олдимизга социализм имкониятини намоён этиш йўлида, инсонпарвар демократик жамият сари ҳаракат йўлида ўз олдимизга буюк вазифаларни қўйишимиз мумкинлигини тасаввур қилиш қийин. Ғалабамиз ғоят қимматга тушди.

Ана шу даҳшатли урушда ҳалок бўлганлар, мамлакат ичкарисидаги ҳаддан ташқари оғир меҳнат туфайли ҳаётдан кўз юмганлар хотирасини ҳурмат билан эсга олайлик. Уларнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб эъзозлайлик.

(Ҳамма ўрнидан туради. Сукут дақиқаси).

Уруш йилларидаги улуғ халқ жасорати совет кишилари барча авлодларининг хотирасида ва ишларида абадий сақланиб қолади.

Азиз ўртоқлар, эртага буюк Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилади. Биз ушбу йиғилишда ветеранларни кўришдан ва уларни халқ номидан табриклашдан мамнун бўламиз. Бугун эса сизларни астойдил, самимий қутлашни, яна бир бор бутун халқ номидан чуқур миннатдорчилик туйғуларини баён этишни истардим. Мен буни ҳозирги авлодларнинг ғоят юксак бурчи, деб биламан, ўйлайманки, жамиятимиздаги барча софдил кишилар ҳам шундай деб биладилар.

Биз шу кунларда уруш ветеранларига, фронтчиларга, мамлакат ичкарисида ғалабани таъминлаган кишиларга қарата шундай деймиз: сизларнинг жасоратингиз, сизларнинг бурчга садоқатингиз, сизларнинг ватанпарварлигингиз — бугунги кунда улкан ўзгартишнинг тарихий вазифаларини ҳал этаётган барча кишилар учун намунадир. Мана шу барча ишларда фаол иштирок этаётганлигингиз учун сизларга ташаккур билдираман. Биз буни биламиз, ветеранларнинг мустаҳкам гражданлик позициясини биламиз. Улар ўз позициясини жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига, ҳар бир гражданига, мамлакат раҳбариятига етказиш учун барча асослари бор, чунки улар бунинг учун маънавий ҳуқуққа эгадирлар.

Ўйлаймизки, бу — ветеранларнинг фикрлари, позицияси, нуқтаи назари ҳозирги кундаги ишларимизда ғоят кучли ва муҳим инсоний омилдир. Барчангизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилайман ва буюк Ғалабанинг 50 йиллигида ҳам учрашиб, уни биргаликда нишонлашни, сўнгра ундан кейин нималар қилиш тўғрисида келишиб олишни тилайман. **(Қарсаклар).**

Ветеранлар билан учрашув очиқ деб эълон қилинади ва Совет Иттифоқи Маршали **В. Г. Куликовга** сўз берилади.


СССР Мудофаа вазири Совет Иттифоқи маршали **Д. Т. Язовга** сўз берилади. У улуғ Ғалабанинг 45 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилганликлари учун СССР Президенти, мамлакат Олий Совети ва ҳукуматига астойдил миннатдорчилик изҳор этди.

Учрашув сўнгида **М. С. Горбачев** якунловчи нутқ сўзлади.

Садоқат — ветеранларнинг ҳаётий позициясини жуда яхши таърифлайдиган сўз десак хато бўлмас. Ижро этилган бурчга садоқат. Жанг майдонларида ҳалок бўлганлар хотирасига садоқат. Фронтдаги қардошликка садоқат руҳи уларнинг ҳаммасига сингиб кетган. Учрашув минбаридан сўзланган нутқлардагина эмас, танаффус пайтида, ветеранлар М. С. Горбачевни, мамлакатнинг бошқа сиёсат ва давлат раҳбарларини даврага олган пайтда улар кўп нарсаларни эслашди, суҳбатларда ўтмиш ҳақидаги эсдаликлар ҳозирги муаммолар билан жуда табиий равишда боғланиб кетди.

Учрашувдан кейин улар Қизил майдонга чиқдилар. Ветеранлар В. И. Ленинга астойдил ҳурмат нишонаси сифатида мавзолейга гулчамбар қўйишди. Мангу олов ёнида қутлуғ сокинлик лаҳзаси: ветеранлар Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйишди.

(ТАСС).









Биз сизни унутмаймиз!

В. ТУРАЕВ ва ТАСС суратлари.

СССР Мудофаа вазирининг буйруғи

№ 150

1990 йил 9 Май — Москва шаҳри

Ўртоқ аскарлар ва матрослар, сержантлар ва старшиналар, пропоршчиклар ва мичманлар, офицерлар, генераллар ва адмираллар!

Уруш, меҳнат ва СССР Қуролли Кучлари ветеранлари, ўртоқлар!

Бугун Ватанимиз, бутун тараққийпарвар инсоният совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллигини байрам қилмоқда.

Герман фашизми Совет Иттифоқига қарши бошлаган бу урушда жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг, жаҳон маърифатининг тақдири ҳал қилинаётган эди.

Совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари Коммунистик партия раҳбарлигида, фашистлар Германиясини қақшатғич мағлубиятга учратди, босқинчиларга қарши шафқатсиз курашда ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолди, Европа халқларини халос қилди.

Урушдаги Ғалаба совет жангчиларининг жанг майдонларидаги мардлиги, жанговар маҳорати ва қаҳрамонлиги билан, партизанлар ва яширин кураш олиб борувчиларнинг фронт ортидаги фидокорона кураши билан, мамлакат ичкарисидаги ходимларнинг кундалик меҳнат жасорати билан, Гитлерга қарши уюшма ва антифашист ҳаракатнинг бирлашган куч-ғайратлари билан қўлга киритилди. Она Ватан урушнинг оғир синовларини бошидан кечирган совет кишилари авлодининг ватанпарварлик ишларини ҳеч қачон унутмайди. Мамлакат айни шу туфайлигина Ғалаба қилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида совет Қуролли Кучларининг қаҳрамонона анъаналари бойитилди. Улар кучли ва маккор душманга қарши яккама-якка курашда Ватанимиз қуролининг, совет ҳарбий санъатининг сўзсиз устунлигини ишонарли тарзда исботладилар, бутун дунёга ҳарбий шавкат, фидокорлик ва инсонпарварлик намуналарини кўрсатдилар.

Ҳозир Армия ва Флот сафларида фронтчиларнинг фарзандлари ва неваралари хизмат қилмоқдалар. Улар кекса авлоддан қабул қилиб олган ҳарбий бурчга садоқат эстафетасини муносиб давом эттирмоқдалар. Ғалабамиз ана шу садоқатда, Ватан ҳимоячилари авлодларининг узлуксиз давомийлигида яшамоқда!

Армия ва Флот жангчилари барча совет кишилари қатори қайта қуриш, социализмни янгилашнинг амалий вазифаларини ҳал этишда фаол иштирок этмоқдалар. Жамиятда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқийислоҳотлар билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда мудофаа қурилишида, туб ҳарбий ислоҳотнинг жиҳатлари бўлмиш Қуролли Кучлар таркиби, тузилиши ва тайёргарлигида ҳарбий мудофаа доктринасининг, оқилона етарлилик принципининг талабларига мос келувчи туб ўзгартишлар амалга оширилмоқда.

Кўп жиҳатдан СССРдаги қайта қуриш жараёнлари туфайли ва уларнинг ҳаётбахш таъсири натижасида жаҳон майдонида ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Ҳарбий қарама-қарши туриш даражаси пасаймоқда, сиёсий мулоқот ривожланиб бормоқда. Музокаралар жараёни тобора аниқ-равшан тус олмоқда. Шунга қарамай, ижобий силжишлар ҳали муқаррар тус олганича йўқ. Жаҳонда уруш хавфи сақланиб турибди. Тарих сабоқлари бизга ғоят ҳушёр бўлиш зарурлигини эслатиб турибди. Мамлакатнинг ишончли мудофаа қобилиятини таъминлаш совет давлатининг, бутун совет халқининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ана шу вазифани бажариш учун алоҳида масъулият СССР Қуролли Кучлари зиммасига юклатилган.

Ўз ватанпарварлик ва байналмилал бурчига содиқ совет жангчилари ўз халқининг бунёдкорлик меҳнатини, социализм ишини ва ер юзида тинчликни сезгирлик билан асрамоқдалар.

Армия ва Флот жангчиларини, уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар ветеранларини буюк Ғалаба байрами билан қутлайман ва табриклайман.

Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллигини нишонлаш юзасидан буюраман:

Бугун, 1990 йил 9 Май куни Ватанимиз пойтахти Қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош жумҳуриятларнинг пойтахтларида, Қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керч, Тула, Смоленск, Мурманскда, Брест Қаҳрамон қалъасида, шунингдек, Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида маҳаллий вақт билан соат 22 да тўплардан ўттиз марта ўқ узилиб байрам салюти берилсин.

Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

СССР Мудофаа вазири, Совет Иттифоқи маршали

Д. ЯЗОВ.

ЯНГИ ДАВОЛАШ БИНОСИ

Термиз ҳарбий госпитали вилоят меҳнаткашларидан яхши совға олди. «Сурхандарьяагрострой» бирлашмаси бинокорлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига янги жарроҳлик биносини бунёд этдилар. Икки қаватли бинога жарроҳлик хоналари, анестезиология ва жадал даволаш бўлимлари жойлашди, даволаш ҳамда рентген хоналари энг янги тиббий ускуналар билан жиҳозланган.

Янги бино юз ўринга мўлжалланган бўлиб, унинг ярмида Улуғ Ватан уруши ветеранлари ва байналмилалчи жангчилар даволанадилар.

Госпиталда янги даволаш биноси фойдаланишга топширилиши муносабати билан митинг бўлиб ўтди. Унда Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко сўзга чиқди.

БОЛАЛИКДАНОҚ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Шу кунларда жумҳурият рўзномаларида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ 1 июлдан кўп болали оилалар учун ҳар ойда бериладиган нафақа икки баравар ошади.

— Демак, бу йил апрелда туғилган чақалоғим бир ярим ёшли акасидан икки баравар бой бўларкан-да! — дейди тушунмасдан Зулфия Абдуллаева. У Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси санаторий-профилакторийсида ошпаз бўлиб ишлайди.

— Чақалоғингиз ҳам, акаси ҳам бой бўлишади, — дейди Ўзбекистон ССР социал-таъминот вазири Санобар Аҳроловна Хўжаева. — Катта оилаларда тарбияланаётган беш ёшгача бўлган барча болаларга бериладиган ойлик нафақа икки баравар кўпайтирилди.

Ўтган йили бир болага ҳар ойда ўрта ҳисобда 5 сўм 86 тийин сарфланган эди. Президент қабул қилган Фармонга мувофиқ энди ўртача нафақа миқдори 12 сўм бўлади.

Лекин бу ўртача миқдор. Масалан, оиладаги учинчи фарзандни олиб кўрайлик. Аввал ана шу бола учун ойига 12 сўм 50 тийин берилардн, энди эса бу нафақа 25 сўмга етказилди. Кўриб турибсизки, салмоқли қўшимча бўлган.

Шу йилнинг ўзида уларга 32,2 миллион сўм пул берилади, умуман ҳар йили нафақаларга 74,5 миллион сўм сарфлаш режалаштирилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЁШЛАР ҚУТЛОВИ

ЖУМҲУРИЯТ КОМСОМОЛ ТАРИХИ МУЗЕЙИДА ҒАЛАБА КУНИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ғалаба кунига 45 йил тўлди. Орада қанча-қанча воқеалар бўлиб ўтдики, барини айтаверса рўзнома саҳифаларига сиғмайди. Лекин кечани очган Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитасининг котиби А. Қодиров айтганидек, қанча ўзгаришлар, янгиликлар бўлмасин, инсоннинг хотирасидан ўчмайдиган муқаддас воқеалар ҳам борки, уларнинг асл моҳияти ҳеч қачон ўзгармай қолаверади. Фашизм устидан қозонилган Ғалаба шундай воқеалар жумласидандир. Унга миллионлаб кишиларнинг қаҳрамонона кураши туфайли эришилган.

Учрашув қатнашчилари — Уруш фахрийлари Шўро қўмитаси Тошкент шўъбаси раисининг ўринбосари, истеъфодаги генерал-майор В. Ульянов, жумҳурият комсомол тарихи музейи фахрийлар кенгашининг раиси Ғани ака Жаҳонгиров, Қодир ота Салимов, Маҳмуда опа Қосимова ўша Улуғ Ғалабага олиб келган оғир кунлар ҳақида сўзладилар, йигит-қизларни уруш қайтарилишига йўл қўймасликка чақирдилар.

Истеъдодли хонанда Муроджон Соҳибов ижро этган қўшиқлар кечага алоҳида байрам руҳи бағишлади.

Табриклар айтилиб, куй-қўшиқлар янграб бўлган ҳам эдики, Қодир ота Салимов қуролдош дўстларини, учрашув ташаббускорларини, рўзномамиз муштарийларини 9 Май куни бўладиган невара тўйига таклиф қилдилар...

Кечадаги хурсандчилик, кўпни кўрган отахону-онахонларимизнинг ҳикмат тўла сўзларига яна нима қўшимча қилиш мумкин? Биздан уларни қўшалоқ байрам билан қутлаш, соғлик-саломатлик тилаш қолади, холос.

Фурқат НЕЪМАТ.

АСРЛАР БЎЙИ СЎНМАЙДИГАН ЖАСОРАТ

СССР МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ — ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР БИРЛАШГАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ БОШ ҚЎМОНДОНИ, АРМИЯ ГЕНЕРАЛИ П. Г. ЛУШЕВНИНГ ТАСС МАХСУС МУХБИРИ М. ЗАХАРЧУК САВОЛЛАРИГА ҚАЙТАРГАН ЖАВОБЛАРИ

— Петр Георгиевич, биз Ғалабанинг 45 йиллигини жамиятимизда рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар даврида нишонлаяпмиз. Халқаро вазият мураккаб ва чигал. Ҳозир биз ўтган урушнинг якунини қандай идрок этаяпмиз!

— Жамиятимиздаги инқилобий силжишлар, халқаро муносабатларни янги сиёсий тафаккур руҳида қайта қуриш кўп жиҳатдан уруш йилларининг тарихий сабоқларига янгича нуқтаи назардан қараш имконини беради. Ҳозир урушнинг номаълум саҳифалари очилмоқда, муҳим ҳарбий-тарихий муаммолар ўртага қўйилмоқдаки, улар ҳам билим олиш, ҳам амалий жиҳатдан диққатга сазовордир.

— Шу билан бирга 1418 куну тун давом этган уруш биздан йироқлашган сайин унинг теварагидаги мафкуравий кураш тобора шиддатли тус олиб бормоқда.

— Бизнинг бурилиш давримиз ижтимоий турмушнинг, шу жумладан тарихнинг ҳамма муаммоларини кескинлаштириб юборди. Ўтган уруш аллақачон тарих бисоти бўлиб қолганлиги тўғри, аммо бу тарих ҳозирги кун билан чамбарчас боғланган ва келажакка ҳам таъсир ўтказадиган жонли воқеликдир. Бу фикрни исботлаш тафсилотига берилмай, атиги бир мисолни айтиб ўтмоқчиман: айтайлик, ҳозир Германия муаммоси яна Европа сиёсатининггина эмас, жаҳон сиёсатининг ҳам марказига ўтиб қолди. Ғарбда совет халқининг тарихий жасоратини қоралаб кўрсатишга, шубҳа остига қўйишга интилаётган, миллион-миллион совет кишилари курашиб жон фидо қилган олий мақсадларни йўққа чиқаришга уринаётган кучлар яна бош кўтараётганлиги тасодифий ҳол эмас.

Ўз мамлакатимизда ҳам бирмунча тарихчилар, адиблар ва журналистлар сохта обрў орттириш пайига тушиб, ҳамма нарсани «қайта идрок этиш», «қайта баҳолаш» ва рад этиш учун жон-жаҳдлари билан киришганликлари ҳақида ҳам тасаввур биндирмоқ керак. Тарих майдонида арзон шуҳрат қозонишга бел боғлаган бу кимсалар ҳафсала билан тузукроқ тадқиқ қилишдан, ҳақиқатни холисона излашдан йироқда турибдилар. Улар шафқат нималигини билмай тажовуз қилишдан ҳузур кўрмоқдалар. Уларнинг тор фикрига кўра, бизнинг ғалабамиз — «мастларнинг ғалабаси» эмиш, барча ҳужумларимиз [illegible] совет жангчиларининг қаҳрамонлиги, қўмондонларимиз маҳорати билан эмас, балки бесоқ кишиларнинг қурбон қилиш йўли билан эришилган эмиш, ниҳоятда бефойда бўлмиш Ленинград эса беҳуда ҳимоя қилинган эмиш.

Улуғ Ватан урушининг борлиши ва якунига баҳо бериш теварагидаги мафкуравий кураш кескинлашганига олиб боргани яна бир вазият бор. Бу урушнинг кўпгина муаммолари узоқ вақт мобайнида тилга олинмай келинди ёки сохталаштириб кўрсатилди. Бу — аввало, уруш арафаси билан боғлиқ масалалар мажмуасидир. Масалан, биз ўша йиллардаги халқаро муносабатларнинг беҳиҳоя мураккаблиги ва жуда зиддиятлилигини, турли синфлар, давлатлар, мамлакатлар гуруҳлари манфаатлари ва мақсадлари шиддатли тўқнашаётганлигини билар эдик. Советлар мамлакатига нафрат туфайли бирлашган баҳайбат капиталистик дунё Совет Иттифоқига қарама-қарши турганини билардик. Шу сабабли мамлакат раҳбарияти давлат ҳавфсизлигини таъминлашда жуда қаттиққўллик билан иш кўришга мажбур бўлган эди.

Мюнхень тил бириктирувидан кейин ва Англия-Франция-Совет музокаралари барбод бўлганидан сўнг икки фронтда уруш олиб бориш хавфи олдида якка-ёлғиз қолган Совет Иттифоқи ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақида Германия таклиф этган шартномани имзолашга мажбур бўлди. Кўп йиллар давомида биз Совет раҳбариятининг бу тадбирини фақат ижобий баҳолаб келдик. Аммо бу ишнинг бир талай салбий жиҳатлари ҳам бор эди. Бу Шартнома СССРнинг халқаро обрў-эътиборига зиён етказди, фашизмга қарши кучларни заифлаштирди ва уларга нотўғри йўл кўрсатди ҳамда уларни йўлдан оздирди. Бунинг устига шартнома совет халқининг ҳушёрлигига ҳам яхши таъсир қилмади, чунки энди ўта сўл баъзи унсурлар қандай даъво қилмасин, уруш арафасида Сталин ва унинг сафдошлари халқ орасида бенуқсон обрў қозонган эдилар. Улар нақадар жиддий хатога йўл қўйганликларини биз эндигина билиб турибмиз, у пайтда эса Совет раҳбариятининг ҳар бир қадами бирдан-бир тўғри қадам, деб ҳисобланар эди. Ҳолбуки, Совет раҳбариятининг сиёсатида урушни даф қилиш хусусида аниқ бир фикрлар мажмуаси йўқ эди, бу соҳадаги кўпгина ишлар етарли равишда асосланмай туриб, баъзан эса қандай ичкич сабаблар билан қилинган эди. Ҳарбий доктринамизда ҳам «Жаҳон социалистик революцияси» деган фикрлар ҳам хавфсизлик системасини вужудга келтиришга салбий таъсир қилди. Совет ҳукумати халқаро ишларда ҳарбий куч ишлатиш усулларидан амалда фойдаланганини гапирмай қўя қолай.

— Уруш бошланишида СССР билан фашистлар Германияси кучларининг нисбати қандай эди ва бу нисбат қандай ўзгариб борди? Жанговар ҳаракатларнинг илк даврларидаги муваффақиятсизликларимизнинг сабаблари нимада?

— Фашистлар Германияси 1940 йилнинг июнидаёқ СССРга қарши урушга бевосита тайёргарлик кўра бошлагани маълум. Уруш ҳаракатлари бошлангунча, у қурол-яроғ ва ҳарбий техниканинг ҳамма турларини ишлаб чиқаришни бир неча баравар кўпайтирди. Немис қуролли кучларининг таркиби 7,3 миллион кишигача кўпайтирилди, уларнинг ихтиёрида 209 та дивизия бор эди. Шундан Шарқда уруш олиб бориш учун бевосита 5,5 миллион киши ва 190 та дивизия, 4300 та танк, салкам 5000 та самолёт, 41,2 мингта тўп ва минамёт, 192 та ҳарбий кема ажратилди.

Фашистлар агрессияси бошланган пайтда бизнинг Қуролли Кучларимиз 303 та дивизия, 23,2 мингта танк, 19,8 мингта жанговар самолёт, 94 мингтадан кўп тўп ва минамётга эга эди. Бироқ Ғарб томонда атиги 179 та дивизия ва 14 та бригада, 10,6 мингта танк, 7,8 мингта жанговар самолёт, 3,9 мингта тўп ва минамёт бор эди.

Шу рақамларни таҳлил этиб, мамлакатимизнинг ҳарбий-иқтисодий мустақиллиги, асосан таъминланган эди, деб айтмоқ керак. Бироқ СССРнинг тажовузни дафн қилишга тайёргарлиги тўла-тўкис ниҳоясига етказилмаган эди. Совет Иттифоқининг автомат қуроллари, танкурар воситалари, ҳарбий машиналари, радио асбоб-ускуналари, самолётсозлиги сон жиҳатидан ҳам, сифат кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам Германияникидан анча орқада эди.

Ҳарбий қурилишда йўл қўйилган катта-катта хатолар аҳволни баттар мушкуллаштирар эди. Биз танк ва моторли корпусларни 1940 йилнинг май ойидагина қайта тиклай бошладик. Отлиқ армиянинг аҳамиятига ортиқча баҳо берилди. Тўпларнинг кўпгина қисми от-уловга қўшилар эди. Авиациянинг 80 фоизи эскирган типдаги самолётлардан иборат эди. Осмон ҳужумидан мудофаа қўшинлари пировардигача қайта ташкил қилинмаган эди. Ҳарбийлар бошига жабр-зулм солиниб, уларнинг энг яхшилари қирғин қилинганлиги ҳақида гапириб ўтдик. Чегаралар суриб қўйилганлиги ҳам Қизил Армиянинг жанговарлик қобилиятига салбий таъсир қилди.

Ҳарбий доктринамизда ҳам нуқсонлар кўп эди. Мудофаага, душманга етарли баҳо берилмади, унинг имкониятлари камайтириб кўрсатилди. Қизил Армиянинг жанговарлик имкониятлари эса, аксинча, бўрттириб юборилди. Ғарбий чегаралардаги ҳарбий-сиёсий вазиятга холисона баҳо берилмади, Гитлер уруш бошламайди, деган пуч ишончга амал қилинди. Сталин ўз теварагида шундай вазиятни вужудга келтирдики, ўз атрофига шундай кишиларни тўпладики, улар унга ё кўр-кўрона ишондилар, ё ўз мавқеларидан хавфсираб, унга ёқадиган гапларнигина айтдилар. Уруш ҳаракатлари майдонларида вужудга келтирилган қўшин гуруҳлари на ҳужум, на мудофаа вазифаларининг талабларига жавоб берар эди. Энг муҳими шуки, мазкур қўшин гуруҳлари жанговар тайёр ҳолатга келтирилмаган эди.

Бироқ, ҳар қандай бўлганда ҳам, биз уруш бошланишидан олдинги йилларда келажакдаги ғалабамиз учун объектив шарт-шароит яратилганини тан олмоғимиз керак. Ҳа, башарти Совет раҳбарияти кетма-кет қўпол хатоларга йўл қўймаганида, уруш мутлақо бошқача йўлдан ривожланиши, анча қисқа муддатда тугаши, камроқ қурбон берилиши мумкин бўлур эди. Бироқ тарихнинг истак феъли йўқлиги маълум. Оқибат натижада биз барибир ғалаба қилдик.

— Куни кеча Москвада бўлиб ўтган илмий анжуманда ўтган урушнинг кўпгина масалалари, шу жумладан «Ғалаба қанчага тушганлиги» масаласи чуқур ва атрофлича кўриб чиқилди. Шу хусусда нима дея оласиз!

— Дарҳақиқат, тарихчилар, журналистлар, адиблар бу масалага жуда катта эътибор бермоқдалар. Масалан, ҳозир биздан 44 миллион киши ҳалок бўлган, деган ақл бовар қилмайдиган рақам бутун дунёда оғиздан тушмаяпти.

Бу рақамнинг келиб чиқиш сабаби ҳам уруш ҳақидаги бошқа оқ доғларнинг сабабига ўхшайди.. Узоқ вақтгача бизнинг талафотларимиз ҳақиқий миқёси яшириб келинди ёки сохталаштириб кўрсатилди. 1946 йилда Сталин 7 миллион кишидан маҳрум бўлдик, дегани эсимда. Орадан бироз вақт ўтиб, Вознесенский бу рақамни икки ҳисса оширди ва яна 1 миллион қўшди. Хрушчев эса 20 миллион рақамини эълон қилди. Бироқ ҳамма маълумотлар унчалик ишониб бўлмайдиган тахминларга асосланган эди.

Эндиликда эса биз жиддий таҳлил натижасида СССРнинг урушда кўрган жами талафоти 27—28 миллион кишини ташкил этади, дейишимиз мумкин. Шундан жанглардаги талофатлар, хусусан Узоқ Шарқдаги кампанияда кўрилган талафотлар (ҳалок бўлганлар, жароҳатланиб ўлганлар, асирликдан қайтиб келмаганлар) — 8 миллион 666 минг киши. Яраланганлар, контузия бўлганлар ва касалликка чалинганлар — 18 миллион киши. Қурол-яроғ ва жанговар техника бўйича кўрилган талафот: ўқ отиш қуроли — 15,5 миллионта ёки 53 фоиз; танклар ва ўзиюрар тўплар — 96,5 минг машина ёки 73,3 фоиз тўп ва миномётлар — 317,5 мингта ёки 50 фоиз; жанговар самолётлар — 88,3 мингта ёки 32 фоиз.


Душманнинг талафотлари мана бундай: Германия — 5,5 миллион киши, унинг иттифоқчилари — 1,2 миллион киши. Бироқ, айни вақтда биз кўрган талафотларнинг кўпчилик қисми урушнинг дастлабки даврига тўғри келади, ўша даврда биз беҳиҳоя мураккаб ва ноқулай шароитда, сон жиҳатдан кўп бўлган душманга қарши яккама-якка жанг қилган эдик. Кейинги даврларда, айниқса урушнинг тугалловчи жангларида Германия ва унинг малайлари биздан кўра кўпроқ талафот бердилар.

— Петр Георгиевич, Сиз Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан то охирги кунигача қатнашгансиз. Шу байрам кунлари ўз фронтчи биродарларингизга, яширин шароитда курашган партизанларга, меҳнат фронтида ғалабани таъминлаган барча кишиларга қандай истакларингиз бор!

— Аввало уларнинг ҳаммасига сиҳат-саломатлик тилайман. Уларнинг ўтган урушдаги қаҳрамонона куч-ғайратлари асрлар бўйи сўнмайдиган, беқиёс жасорат бўлиб қолаверишини ҳаммалари билиб қўйишсин. Миннатдор авлодлар ўз ишлари ва фикр-ўйларида ҳамиша уларни эсга олиб турадилар. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар!

(ТАСС).





Зафар осон бўлмади...

ТАСС суратлари.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Пойтахтимизнинг Куйбишев ноҳиясидаги Қори Ниёзий номли маҳаллада турли қизиқарли тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Наврўз сайли, ибратли кишилар билан учрашувлар, ветеранларни туғилган кунлари билан қутлаш каби. Яқинда буюк Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган тадбир ҳам жуда мароқли ўтди.

Унга маҳаллада яшовчи уруш ветеранларидан Восит Ражабов, Мирали Абдуллаев, Алфия Алимова, Наби Раҳимов, Андронник Алексаньянц, Данил Бибик, Ҳасан Абдуллаев, Илья Ковановская, Ереванд Аванов иштирок этишди. Улар йиғилганларга Ленинград қамали, украин фронти, Брест қалъаси тафсилотлари ҳақида, совет кишиларининг дўстлиги қудрати ҳақида сўзлаб бердилар. Островский номидаги кашшофлар саройи қатнашчилари ғанимат дарғаларга гуллар тутишди. Маҳалла қўмитасининг раиси Ҳасан ака Абдуллаев уларга фахрий ёрлиқ ва совғалар топширди.

Павел Васильевичнинг уруш ва ғалаба ҳақидаги, Абдуғофур Мирзабоевнинг лирик қўшиқлари, шунингдек шўх рақслар учрашувга файз бағишлади.

Маҳалла аҳлида жуда катта таассурот қолдирган бу тадбирни ўтказишда Ҳасан ака Абдуллаев, Турсунқул Искандаров ва бошқалар ташаббускор бўлдилар.

Ш. ДАДАБОЕВА.

Ғалаба байроғини ким ўрнатган?

Рейхстагга байроқ ўрнатиш учун учинчи Зарбдор армия Ҳарбий Кенгаши СССР Давлат байроғи стандарти бўйича тўққизта махсус байроқ (армия дивизияларининг сони бўйича)ни тасдиқлади. Тўққиз байроқдан бирини (5-байроқни) рейхстаг учун асосий жанг олиб борилаётган 150-ўқчи дивизиясига берди. Рейхстагни ана шу дивизиянинг 674-ва 756-ўқчи полки штурм қиларди. 756-полкда эса байроқ бор эди, иккинчи полкда эса махсус байроқ йўқ эди.

Расмий тахминга кўра, 5-байроқ рейхстаг устига 756-полкда хизмат қилаётган М. Егоров ва М. Кантария томонидан 1945 йил 30 апрель куни кечқурун ўрнатилган. Бироқ, СССР Қуролли Кучлари Музейига қўйилган Ғалаба Байроғи ўзининг ҳажми, рамзи бўйича СССР Давлат байроғи стандартига мос келмайди. Бунинг устига-устак, бу байроқ қўлбола бўлиб, ғоят юпқа бўлган икки бўлак материалдан тикилганлиги кўриниб турибди.

Маълумки, кўпгина ҳужумкор гуруҳлар ва ҳатто айрим аскарлар рейхстаг учун жангга қўлбола байроқлар билан киришган. Бу байроқлар рейхстагнинг турли қисмларига ўрнатилган. Ана шундай гуруҳлардан бошқа разведкачилар, 150-дивизиянинг 674-полки разведкачилари ҳам эслатиб ўтилади. Ана шу гуруҳга полк разведка командири, лейтенант С. Сорокин бошчилик қилган.

Менинг С. Сорокин билан танишишим қарийб икки йил муқаддам бўлган эди. У СССР Қуролли Кучлари Музейига ўрнатилган байроқ унинг гуруҳига тааллуқли эканлиги ҳақида сўзлаб берганди. Байроқ қўлбола бўлган, чунки 674-полкнинг махсус байроғи бўлмаган.

Рейхстагни штурм қилиш бошланишдан олдин 674-полкнинг командири, подполковник А. Плеходанов С. Сорокинни чақириб, унга махсус гуруҳни танлаб олиш, байроқ тайёрлаш ва уни рейхстакка ўрнатишга буйруқ берган.

Штурм қилиш 1945 йил 30 апрель саҳарда бошланади. Бироқ, фақат кундузи соат 14.25 минут ўтганда 674-полкнинг бўлинмаси, улар билан С. Сорокин разведкачи гуруҳи ҳам байроқ билан рейхстакка ёриб киради. Тўп отишмалари фашистларни ертўлага ҳайдайди. Разведкачилар ертўлага қарийб уч юз немис аскарини қамаб қўйишга муваффақ бўлади. Рейхстаг ўт ичида бўлиб, ҳаммаёқни тутун қоплаган эди. Шунинг учун ҳам гуруҳ амалда ҳеч қандай қаршиликка учрамай бир неча дақиқада рейхстагнинг томига чиқиб олади.

Бевосита байроқни 674-полк разведкачилари Г. Булатов ва В. Проваторовлар ўрнатадилар. Улар байроқни рейхстакка бош киришдаги ҳайкал гуруҳига мустаҳкамлаб қўядилар, бу ҳақда соат 15 да Г. Жуковга (Г. К. Жуков. «Хотиралар ва мулоҳазалар». М. 1969 йил. 673-бет) маълум қилишади.

674-полк разведкачиларининг байроғи рейхстаг устида пайдо бўлган биринчи байроқдир. У бир неча соат мобайнида ана шундай ягона байроқлигича қолади.

Яна шундай ҳужжатли асослар ва маълумотлар борки, мен уларни қарийб бир ярим йил архивлардан изладим. Аввал амбор, биринчи навбатда 150-дивизия полкларининг ҳужжатларини ўргандим.

674-полкнинг зудлик билан берилган жанговар маълумотномалари ва якунловчи ҳисоботлари изчил ва зид эмас. Улар С. Сорокиннинг гувоҳлигини тўла тасдиқлайди.

756-полкнинг зудлик билан берилган жанговар маълумотномалари топилмади. Полкнинг рейхстагни штурм қилиш ва унинг устига М. Егоров ва М. Кантария томонидан байроқ ўрнатилганлиги якунловчи ҳужжатларида зиддиятлар оз эмас. Масалан, рейхстаг устида дастлабки байроқлар пайдо бўлганлиги турли хил ҳужжатларда турлича кўрсатилади ва улар бир кеча-кундуз ўртасида фарқланади — айтайлик, 29 апрель кечқурун ва 30 апрель кечқурун, деб кўрсатилади. 150-дивизиянинг ҳужжатларида ҳам шунга мувофиқ ноаниқликлар ва турли хил фарқлар мавжуд, улар асосан полклар маълумотномалари асосида тузилган.

С. Сорокин раҳбарлик қилган разведкачилар гуруҳи рейхстагни штурм қилишганидан кейинок Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тақдим этилган эдилар. Уларнинг жасорати мукофот варақаларида батафсил тасвирлаб берилган, бу варақалар корпус қўмондони томонидан имзоланган, лекин армия қўмондони қандайдир сабабларга кўра уларни имзоламай қолган, разведкачилар эса қаҳрамонлик номини олишолмаган.

Мен рейхстагни штурм қилишда қатнашган 150-дивизиянинг бошқа аскарларининг, шунингдек, 171-дивизия аскарларининг хизматлари ва фидокорликларини камситишни истамаган бўлур эдим. Гап фақат ҳали бизга маълум бўлмаган қаҳрамонларга муносиб баҳо бериш ва уларни унутмаслик тўғрисида бораяпти.

А. СИЧЕВ,
МАИ толиби.
(«Аргументы и факты» ҳафталигининг 18-сонидан).

ЖАСУР РАЗВЕДКАЧИ

Хуррам Ашуров 1941 йилдан то урушнинг охирги кунларигача Собир Раҳимов қўмондонлигидаги 37-ўқчи дивизияда душманга қарши мардонавор жанг қилди. Тасодифни қарангки, Собир Раҳимов билан у эски таниш эди. Чунки биринчи ўзбек генерали Бухорода Хуррамнинг отаси Ашур ака билан 20-йилларда бирга жанг қилганди. Уларнинг борди-келдиси ҳам бор эди. Босмачилар тўдаси тор-мор этилгач, Собир ака Тошкентга кетди...

Кейин эса уруш бошланди. Хуррам ҳам кўп қатори фронтга жўнаб кетди. Яхшиси, жанг тафсилотлари ҳақида унинг ўзидан эшитганга не етсин.

— 1941 йилнинг кузида душман Москвани босиб олиш учун жон-жаҳди билан ташланди. Армиядаги энг сара кучлар пойтахт ҳимоясига юборилди. Ана шу қўшинлар орасида Собир Раҳимов командирлик қилаётган бизнинг полкимиз ҳам бор эди.

Душман ҳаводан, ердан тўхтовсиз ҳужум қиларди. Бизникилар аввалига анча шошиб қолишди ҳам. Бир ой давом этган қаттиқ жанглардан сўнг, немисларнинг ҳужуми қайтарилди. Кейин бизлар қарши ҳужумга ўтдик.

«Велико лук» шаҳрини немислардан тозалаш ниятида, бир куни Бобомурод Омонов ва Сергеевлар билан разведкага чиқдик. Ўрмоннинг энг қалин жойларида жуда эҳтиёткорлик билан, атрофни синчиклаб кўздан кечириб борарканмиз, ўзимиздан сал нарида бемалол сайр қилиб юрган немис аскарларини кўриб қолдик. Чаққонлик билан бештасини унсиз ер тишлатиб, қолган бештасини асир олдик. У ерда биз ҳали кўрмаган ғалати замбараклар Москва томонга тўғрилаб қўйилган экан. Ўқлари футбол коптогидек келарди. Бу қандай замбараклар, нима учун бу ерга яшириб қўйилганини сўрадим. Аммо у қайсарлик қилиб мум тишлагандек тураверди. Жаҳлим чиқиб ханжаримни кекирдагига тақадим, жон ширин экан, дарҳол тилга кирди. Асирларнинг айтишича, бу тўплар Гитлернинг махсус топшириғи билан Москва шаҳрини ўққа тутиш учун келтирилган экан. Ҳайриятки, душман ниятини амалга оширолмади. Асирлардан кўпгина қимматли маълумотларни олгач, деярли қийинчиликларсиз, «Велико лук» шаҳрини қўлга киритдик.

Босқинчилар Москвадан умидларини узишгач, бор кучлари билан Сталинградга ташланди.

Собир Раҳимов бу пайтга келиб, командирлар маҳоратини ошириш олий мактабига ўқишга кетганди. Полкимиз билан 37-гвардиячи ўқчи дивизияси таркибида Сталинград учун жангга кирдик. Мен дивизия алоқа бўлими командири эдим. Бу бўлимда мен билан бирга Аҳмедов, Эргашев, Кровцов, Попов каби бир неча жасур алоқачилар ҳам хизмат қиларди.

Қўшинларимиз билан Мамай қўрғони ҳимоясида турдик. 14 кечаю-кундуз қаттиқ жанглар бўлди. Шу қонли жангларда 3 немис танкини ишдан чиқариб, бир неча фрицларни ер тишлатдим.

Мен доимо олдинда, разведкада юришни орзу қилардим. Шунинг учун 1942 йилнинг ноябрь ойида дивизия командиридан разведка бўлимига ўтказишларини сўрадим. Илтимосим қондирилиб, разведка взводига командирликка тайинлашди. Душман Мамай қўрғонини қайтариб олиш учун жон-жаҳди билан тинимсиз янгидан-янги кучларини биз томонга ташларди. Командиримиз Мамай қўрғонидан унча узоқ бўлмаган босқинчилар истеҳкомларининг аниқ харитасини чизиб келишни менинг взводим зиммасига юклади. Жанговар топшириқни бажариш учун Раҳимбердиев, Эргашев, Алимбоев, Скворцов, Павлов ва Агаповлар билан кечаси йўлга чиқдик. Эҳтиёткорлик билан уларнинг истеҳкомларига яқинлашдик. Атрофи бутазорлар билан қопланган кичкинагина тепалик экан. Мамай қўрғони бу тепаликдан яққол кўриниб турарди. Узоққа отадиган замбараклар ҳам шу тепаликда буталар билан ниқобланган. Кундузи ўт очиш нуқталарини белгилашнинг иложи йўқ. Шунинг учун икки сутка хандақлар ичида беркиниб, ҳамма нуқталарни харитага туширдик. Бироқ орқага қайтаётганимизда немислар бизни пайқаб қолишди. Ўртада қаттиқ отишма бўлди. Жангда Скворцов ҳалок бўлди.

Мен бу жангда ярадор бўлиб, дала госпиталида даволандим. Бу ерда тошкентлик ҳарбий врач Асалов Карим анча кўмаклашди. Бир ойда тузалиб яна взводимга қайтдим. Ҳозир у киши Тошкентда яшайди.

Бу пайтда доңғи кетган фельдмаршал Паулюс бошчилигидаги армия қуршовимизда қолиб, уни йўқ қилиш учун қирғинбарот жанглар кетаётган экан. Менинг зиммамга Паулюсни асир олиш вазифаси қўйилди. Разведкачи взводим билан уларнинг макони — шаҳар ўртасидаги универмаг томон йўл олдик. Магазин атрофини ўраб олиб соқчиларни гумдон қилдик. Бир қўлимда танкка отадиган кучли портловчи граната, бир қўлимда отишга шай автомат билан иблислар қароргоҳи — ертўлага тушиб, катта стол ёнида сипоҳиларга харитадан нималарнидир тушунтираётган фельдмаршал Паулюс ва шерикларига «Хенде-хо», «Лигин» деб қичқирдим. Нима содир бўлаётганини тушунолмай қолган фашистлар дарҳол қўлларини кўтариб, ерга ётиб олишди. Шу пайтда шерикларим ҳам ёрдамга етиб келиб, ҳаммасини қуролсизлантирдик. Ўттизга яқин асирлар ичида 4—5 та генераллар ҳам бор эди...

Гоҳ оғир, гоҳ енгил жанглар билан 1944 йилнинг ноябрига ҳам етиб келдик. Нарев ва Висла йўналишида немислар бизга жуда катта кучларини қарши қўйди. Чунки немис қўмондонлиги ўз қўшинларига бу йўналишни «Берлиннинг юрагига тўғриланган тўппонча» деб таърифлаганди. Бу йўналишга бизларни ўтказмаслик учун жуда кўп тайёра, танк ва пиёда аскарларини йиққанди.

1944 йилнинг 10 ноябрида навбатдаги оғир қўл жангларидан кейин бир оз нафас ростлаш учун ўрмондаги манзилгоҳимизга тўпландик. Дивизиямиз сиёсий бўлими бошлиғи Смирнов бизга янги келаётган қўмондонимизни кутиб олишимиз кераклигини айтди.

Тайёра қўниши учун майдон ҳозирлашимиз зарур эди. Дарҳол ерни текислаб, қўниш йўналишини кўрсатувчи айрим махсус белгиларни қўйиб чиқдик. Кейин штаб бошлиғи подполковник Горелов мени ўз ҳузурига чақириб, жанговар топшириқ борлигини айтди.

Олинган разведка маълумотларига кўра немислар биз томондаги ўрмонга яширинча қўпорувчилар ташлаб, уларга озиқ-овқат, ўқ-дориларни йўқ қилиб, командирларни ўлдириш ёки ўғирлаб кетиш ҳақида топшириқлар берилган экан. Бизнинг дивизияга қўмондон бўлиб келаётган генералнинг боши учун Гитлер 5 минг марка пул ва темир крест ваъда қилибди. Шунинг учун генерални ҳар томонлама қўриқлаш, хавфсизлигини тўла таъминлашимиз керак эди. Биз разведкачилар 9 ноябрь кечаси ўрмонлар, ботқоқликлар, чакалакзорлар ва қир-адирларни кўздан кечириб, зарур жойларда ўз одамларимизни қолдирдик.

Эрталаб соат ўн. Тайёра ерга оҳиста қўнди. Дивизия қўшинлари саф тортиб, «меҳмон»нинг тайёрадан тушишини кутиб туришди. Трапдан оҳиста тушаётган генерал ўзимизнинг суюкли Собир Раҳимовимиз эди. Шу куниёқ 37-ўқчи дивизияни қабул қилиб олди. Кейин ўзига ажратилган ертўлага тушди. Орадан бир оз ўтгач, рухсат сўраб, олдига кирдим. Собир ака дарров мени таниди. «Э, Хуррамбек, эсон-омон юрибсанми?», дея қучоқлашиб кетди.

Нарва бўйидаги шиддатли жангларда Собир ака моҳирона, кутилмаган тактикалар ўйлаб топар ва душманнинг жуда кўп найрангларини чиппакка чиқарарди. Бир куни армия қўмондони Батов ўз ҳузурига Собир акани чақирди. Мен ҳам бирга бордим. Батовга мени старшина Хуррамбек Ашуров деб таништирди. Генерал бизга «тил» керак деди. У ердан қайтгач, Собир ака бизга йўл-йўриқлар кўрсатди. Мен, Исломов, Мамараимов, Кравцов ва Коля Никулинлар «тил» тутишга кетдик. Икки кун муҳлат беришди. Икки кун ҳам беҳуда ўтиб кетди. Немис истеҳкомларининг ёнида ётибмиз. Учинчи куни кечаси қалин ўрмон билан ўралган йўл четида немислар ўтиб қолар деган умидда пойлаб ётдик. Ер лой, менинг бир оёғим ботқоққа ботиб кетди. Ўзимни ўнглаб олиш учун оёғимни тортгандим, этигимга қандайдир сим илашиб чиқди. Диққат билан кузатсак, бу немисларнинг алоқа симлари экан. Агар узиб қўйсак немислар ўз алоқачиларини юборишлари аниқ. Ҳақиқатдан ҳам симни узганимиздан кейин орадан ярим соат ўтар-ўтмас узоқдан немис мотоциклининг овози эшитилди. Дарров телефон симидан 20-25 метр қирқиб олиб, мотоцикл рулига тенг келадиган баландликда йўлни тўсиб боғладик. Бир пайт қоронғида келаётган мотоцикл симга урилиб, ағдарилиб тушди. Бир зумда икки нафар, немисни ўлдириб, мотоцикл аравачаси остида ўзини ўнглаб ололмаётган немис зобитини тириклайин қўлга тушириб, қисмга олиб келдик. «Тил»нинг бизга берган аниқ кўрсатмалари асосида жангчиларимиз унча талофат кўрмасдан асосий позицияларни бир зумда қўлга киритишди.

Шундай қилиб, 1944 йилнинг охири, 1945 йилнинг бошларида Нарванинг ўнг қирғоғидаги душман эгаллаган муҳим истеҳкомларни қўлга киритдик. Моҳир қўмондон Собир Раҳимов бошчилигида Висла — Берлин йўналишида фашистларни орқа томонга улоқтира бошладик. Бу жанглардаги қаҳрамонлигим туфайли «Қизил Юлдуз» ордени, икки марта «Жасурлиги учун» медаллари билан тақдирлашди, — деб ўз хотираларини тугатди кекса гвардиячи жангчи Хуррамбек ака Ашуров...

У киши ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида ўз фарзандлари бағрида пиру-бадавлат ҳаёт кечирмоқда. Бу жасур разведкачининг уруш хотираларидан бир парча, холос...

Ғузалбек ХОЛЛИЕВ,
ТошДУ доценти, тарих фанлари номзоди.

СИЗ УЛАРНИ ТАНИЙСИЗМИ?

Улуғ Ватан уруши... Унинг тугаганига 45 йил тўлди. Ҳамон ҳисобсиз хонадонларда кўз-ёшлар тинмайди. Кимдир отасини, кимдир ака-укасини, яна биров энг яқин қариндошини йўқлайди. Оловли уруш йилларида «қора хат»лар кирмаган хонадонлар кам эди. Лекин одамлар бу машъум қоғозларга ҳам ишонмай кўйишганди. Боиси, «ўлди» деб аза очилган кишиларнинг баъзилари тирик қайтишар, бедарак кетганларнинг дараги чиқиб қолар эди. Аммо уруш барибир урушлигини қилди. Элнинг 20 миллиондан кўпроқ энг сара йигитлари бу омонсиз урушда шаҳид бўлди. Улар орасида қурбон бўлган жойлари ҳамон номаълумлари қанча.

Яқинда рўзномамизга Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтининг Қарши шаҳридаги филиалида таҳсил кўраётган бир гуруҳ талабалардан мактуб келди. «Бизлар ўтган йили ёзги ишлаб чиқариш амалиётини Ярославль шаҳрида ўтказдик. Бўш пайтларимизда бу қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Бир куни ҳарбийлар қабристонига зиёратга бордик. Уруш пайтида ҳалок бўлган барча қурбонлар хотирасини бош эгиб ёд этдик. Ўзбекистонлик юртдошларимиз қабрларига гулчамбарлар қўйдик. Қабр тошларига ўйиб битилган ўзбекча исм-фамилияларни ёзиб олдик. Бизнинг Ўзбекистонда ҳам ҳамон ўз яқин кишиларини излаб, уларнинг қаерга дафн этилганини билмай сўраб-суриштириб юрганлар бордир. Сизларга йўллаётган қуйидаги рўйхатни рўзномангиз саҳифаларида эълон қилсангизлар. Зора, шаҳидларнинг руҳи олдида ўзимизнинг оз бўлса-да, қарзимизни узган бўлардик...»

Биз қуйида Ярославль шаҳридаги биродарлик қабристонига дафн этилган 27 нафар аскарларнинг рўйхатини эълон қилаяпмиз:

Орзиқулов А. (1943 йил 12 июль),

Жўраев Т. (1943 йил 8 август),

Абдулқодиров Г. (1943 йил 9 январь);

Раҳимов Халил (1945 йил 5 январь),

Хуморбеков З. (1942 йил 5 июль),

Сулаймонов Д. (1943 йил 28 март),

Қосимов А. (1944 йил 1 май),

Муҳамедов А. (1943 йили ҳалок бўлган куни ёзилмаган),

Бердимуҳамедов А. (1943 йил 7 апрель),

Назиров В. (ўлган йили, куни ёзилмаган),

Жондоров Д. (1942 йил 19 январь),

Раҳмонов Э. (1943 йил 5 июль),

Салимов Т. (1943 йил 17 июль),

Нуржонов И. (1943 йил, 23 март),

Ёрлиев А. (1942 йил 16 январь),

Шоҳмуҳамедов (1942 йил 18 январь),

Бобоев Ш. (1944 йил 18 октябрь),

Маматов Т. — ефрейтор (1942 йил 25 январь),

Хайрғалиев Ф. — оддий аскар, (1942 йил, 30 сентябрь),

Назаров М. — сержант, (1944 йил 3 март),

Ёрмуҳамедов С. — оддий аскар (1944 йил 5 май),

Ёқубов В. — кичик лейтенант (1944 йил 7 февраль),

Зулфиқоров М. — оддий аскар (1944 йил 1 январь),

Азизов Х. — сержант (1943 йил 26 сентябрь),

Эшонов К. — оддий аскар (1943 йил 9 сентябрь),

Иброҳимов Б. — сержант (1942 йил 15 январь),

Илёсов Я. — оддий аскар (1943 йил 18 апрель).

Қўлимиздаги иккинчи мактуб эса Сирдарё вилоятининг Ильич ноҳиясида яшовчи Акмал Суюновдан келган. «Яқинда мен СССР Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги марказий архивидан хат олдим. Архив ходимлари менинг ҳамқишлоқларимни суриштириб ёзган хатимга илова қилиб, яна 15 нафар ўзбекистонлик аскарларнинг ушбу рўйхатини юборишибди».

1. Ҳакимов Тўхта — оддий аскар. 194-дивизиянинг 954-ўқчи полки ўқчиси. 1912 йили туғилган. Ленинобод шаҳридан. Чкалов ҳарбий комиссариатидан чақирилган. 1943 йил 20 октябрда ҳалок бўлган. Гомель вилоятининг Жеребная қишлоғига дафн этилган.

2. Холиқов Ҳайдар — оддий аскар. 1912 йилда туғилган. Самарқанд вилоятининг Нурота ноҳиясидан. 1943 йил 11 ноябрда ҳалок бўлган. Жеребная қишлоғида (Гомель вилояти) дафн этилган.

3. Раҳматов Каримжон — оддий аскар, пулемётчи. 1925 йил туғилган. Андижон вилоятининг Хўжаобод ноҳиясидан. 1943 йил 16 октябрда ҳалок бўлган. Гомель вилоятининг Чёнки қишлоғида дафн этилган.

4. Раҳмонов Насим — оддий аскар. 1897 йил туғилган. Самарқанд вилоятининг Самарқанд ноҳияси «Қизил Кашан» колхозидан урушга кетган. 1943 йил 10 октябрда ҳалок бўлган. Гомель вилоятининг Жеребная қишлоғи ёнидаги қабристонга дафн этилган.

5. Абдуллаев Акрам — оддий аскар. 1902 йилда туғилган. Тошкент шаҳар Сталин ноҳиясидан урушга кетган. 1943 йил 8 октябрда ҳалок бўлган. Гомель вилоятининг Терехов ноҳиясидаги Черничье қишлоғига дафн этилган.

6. Алимов Амир — (Амур) — оддий аскар. 1912 йилда туғилган. Сурхондарё вилоятининг Шеробод ноҳиясидан урушга кетган. 1943 йил 7 октябрда ҳалок бўлган. Терехов ноҳиясидаги Черничье қишлоғига дафн этилган.

7. Ниёзов Салоҳиддин — оддий аскар. 1900 йилда туғилган. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон ноҳиясидан урушга жўнатилган. 1943 йил 11 октябрда ҳалок бўлган. Гомель вилоятининг Белиц ноҳиясига дафн этилган.

8. Сатторов Ғофир — оддий аскар. 1905 йилда туғилган. Қашқадарё вилоятининг Китоб ноҳиясидан урушга кетган. 1943 йил 15 июлда ҳалок бўлган. Гомель вилояти Белиц ноҳияси, Чёнки қишлоғига дафн этилган.

9. Ниёзов Худойберди — оддий аскар. 1924 йилда туғилган. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон ноҳиясидан урушга кетган. 1943 йил 11 октябрда ҳалок бўлган. Гомель вилоятининг Белиц ноҳияси, Жеребная қишлоғида дафн этилган.

10. Кармов (Каримовми, ёки Карамовми!) Байкабай — оддий аскар. 1906 йилда туғилган. Сурхондарё вилояти, Денов ноҳиясидан урушга кетган. 1943 йил 12 октябрда ҳалок бўлган. Гомель шаҳар Степан Разин қишлоғига дафн этилган.

11. Тожиев Аъзам — оддий аскар. 1925 йилда туғилган. Самарқанд вилоятининг Пайариқ ноҳиясидан урушга кетган. 1943 йил 11 октябрда ҳалок бўлган. Гомель шаҳар Степан Разин қишлоғига дафн этилган.

12. Бекпўлатов Яшбай (Эшбой) — оддий аскар. 1924 йилда туғилган. Сурхондарё вилояти, Бойсун ноҳиясидан фронтга кетган. 1943 йил 14 октябрда ҳалок бўлган. Гомель вилоятининг Чёнки қишлоғига дафн этилган.

13. Сулаймонов Ботир — оддий аскар. 1906 йилда туғилган. Самарқанд вилоятининг Оқдарё ноҳияси, Чаус қишлоқ Советидан фронтга кетган. 1943 йил 29 сентябрда ҳалок бўлган. Гомель вилояти, Добруш ноҳияси Жгуль қишлоғига дафн этилган.

14. Юнусов Ҳабибулла — оддий аскар. 1925 йилда туғилган. Андижон вилояти, Ворошилов ноҳиясидан фронтга кетган. 1943 йил 15 июлда ҳалок бўлган. Гомель вилояти, Белиц ноҳияси, Чёнки қишлоғига дафн этилган.

15. Йўлдошев Норқобил — оддий аскар. 1909 йилда туғилган. Сурхондарё вилояти, Шўрчи ноҳияси, «Коммунист» колхозидан фронтга кетган. 1943 йил 13 октябрда ҳалок бўлган. Гомель вилояти, Гомель ноҳияси, Жеребная қишлоғига дафн этилган.

Н. ЖАЛИЛ тайёрлади.

Салимполвон

— Ҳой Тўлаганнинг укаси, тўхта... тўхта деяман сенга...

Энди овоз ҳалигисидан сустроқ эшитиларди. Шу сабаб бўлдими, елдек учиб бораётган жойимда қадамим ўз-ўзидан секинлашди. Охири сой лабига етиб, ҳар эҳтимолга қарши нариги қирғоққа ирғиб ўтиб кетишга шайланганимча, қалин ажриқ босган ўтлоқда тўхтадим.

— Тўхта деяман сенга, болагина ўлмагур...

Ялиниш, интиқлик кучли эди бу овозда. Ўгирилиб қарадиму, қотиб қолдим: Салимполвон амаки чопонининг икки этагини ҳимариб, икки барида кучқорнинг белидай йўғон олачипор тарвузни кўтарганича лўкиллаб келарди.

— Роса терга боттирдинг-ку, зумраша, — деди у олдимга етиб келгач, тарвузларни ажриқ устига қўйиб, яланг чопони барини қоқди.

— Жўраларинг қани? — деб сўради амаки оқ чорси билан юзини, елкаларини артиб бўлгач. — Ҳали полиз этагида икки-уч болани кўрувдим-ку?

Мен шундагина тарвуз ўғирлашга уч киши борганимизни, Ҳошим билан Умар олдинроқ отни қамчилашганини эсладим. Полизнинг ўртасидаги чайладан амакининг бақириғини эшитган заҳоти улар сой томонга қочишган, нариги бетдаги қиёқзор ичига яширинишганди.

— Чақир жўраларингни.

Ҳошим билан Умар ҳадеганда овоз бераверишмади. Охири амаки катта оёқларини узатиб, ажриқ устига ўтирди. Узун олмос сопли пичоқни қинидан суғурди. Ҳаш-паш дегунча бир тарвуз икки паллага ажралди.

— Ўтир. Келишмаса, келишмасин. Ўзларига зарар.

Амаки бир тилим тарвузни ёнига қўйиб, иккинчисини менга узатди. Карсилдоқ, серсув экан. Шу пайт сой лабида қиёқлар шитирлади. Ҳошимнинг боши кўринди. Амаки орқа ўгириб ўтиргани учун кўрмаяпти, деб ўйлаб, уни имладим: «Келинглар».

— Нега лаллайиб юрибсанлар, аммамнинг бузоғидай, — деди амаки. — Келавермайсанларми?

Ҳар иккови сойдан лип-лип ўтиб келишди. Амаки уларга ҳам бир тилимдан тарвуз узатди.

— Аввало, бир гапим: тарвуз эгаларинг келдими, тўғри чайлага борларинг, — насиҳат қила бошлади амаки. — Юрмаларинг бунақа қочиб-писиб. Тарвуз кимники? Колхозники? Сиз ҳам шу колхознинг боласими, ахир? Есаларинг қорнингга ейсан, опкетмайсан-у орқалаб.

Умуман, Салимполвон амаки биз лар билан яхши чиқишарди. Бир куни немис танки туйнугига гранатани қандай ташлаганини гапириб берган. — Ҳали-ҳали ўзим ҳам англаб етолмайман. Ҳийла олисдаги ўрмондан олдинги маррага овқат олиб келаётгандик. Шеригим Карпович билан термосларни ортмоқлаб олганмиз Биттасини билагимга илиб бораяпман. Бўйнимга автоматим осиғлиқ. Бир пайт Карпович мана шу жарни ёнлаб борсак, позицияга тезроқ етамиз, деб қолди. Жабборқулга жон бормн? Жар билан бўлса, жар биланда, дедиму, унга эргашдим. Ана бораяпмиз, мана бораяпмиз, жарининг поёни йўқ. Пастда кўклам эрувгарчилиги пайтлари жилға пайдо бўлса керакки, теп-текис, қумлоқ. Шундан илдам кетаяпмиз. Бир пайт муюлишдан гулдираган овоз эшитилиб қолди. «Бутазорга, Карпович», — дедиму, ўзимни шох-шаббалар орасига урдим. Карпович кичкина, чаққон йигит эди, мендан олдинроқ бутазорга кириб кетди. Мен ҳам энкайиб, шохлар орасига ўзимни олдим. Шу асиода муюлишдан танк чиқиб келди. Немис танки. Юрагим така-пука бўлиб, ўтакам ёрилай деди мен сизга айтсам, — амаки гапидан тўхтаб, бизга кўз қисиб қўйдида, кулди. — Йўғ-ей, шим ҳўл бўлгани йўқ, болалар, лекин қўрққаним рост. Карповичга ўхшасам эканки, ўт-ўланми, тошми, мени паналаса. Чўккалаб ўтирсам, кўрганнинг лабига учуқ тошади бу харсангми деб. Қани энди бута мени паналай олса. Лекин пусиб кетдим ўзиям. Жон ширин-да, жон, укалар. Нарироқда Карпович энтикади. «Пишқирма, — дейман жаҳл билан шивирлаб. — Фриц эшитиб қолади». «Нима, танкамидимки эшитса», — бўш келмайди у. «Бурнинг заводнинг гудоги-ку, Саша» — дейман яна шивирлаб.

Бу орада танка бизга яқинлашиб қолди. Ўттиз метрча нарида тўхтаб, тепа қопқоғи очилди. Чарм қалпоқли бош кўринди. Кейин икки қўлини чиқариб, биноклда олис-олисларни синчиклаб қарай бошлади. Билсангиз, шу палла оёқларим увишиб кетди. Секингина термосни елкадан туширдим, автоматни қўлимга олдим. Ҳар эҳтимол-да, энди. Чиқмаган жондан умид дейдилар, ахир. Немис дурбинни ушлаганича, бошини ичкари олди. Танка овози салгина кўтарилиб, қўзғолди. Бизни ёнлаб келаверди. Қопқоғи очиқ қолганига кўзим тушди-ю, юрагим дук-дук ура бошлади. Карповичга қараб кўз қисдим. У ҳам чап қошини учирди. Чўнтагимдан битта граната олиб, пойладим. Биздан икки метрча пастда рўпарамиздан ўтиб бораяпти Урушдан олдин полизда аравага ковун-тарвуз ортганимиз эсимга тушди. Тўрт-беш метр нарида туриб, бир-биримизга тарвуз ирғитардик. Илиб, нариги кишига оширардик. Ҳозир ҳам очиқ люкни мўлжаллаб туриб гранатани ирғитдим. Устма-уст — иккинчисини. Танк тўхтаб қолди. Бир сакраб, ёнбошига чиқиб олдим. Автомат қўндоғи билан зирҳини дўқиллатиб урдим. Бир пайт бетини қоракуя қоплаган бир фриц... Нима? Прис нима дейсанми? Прис-мас, фриц. Гапнинг белига тепма, каллаварам.

Нима деяётгандим? Ҳа, ҳалиги фриц. Уни юқорига тортиб олдик. Вой-войлайди денг, «матхен, матхен» дейди. Биз жимгин деб ишора қилдик. Саша танк ичига имлади. Фриц «капут, капут» деди. Мен аста ичкарига мўраладим. Энди танк ичида кўрганимни мен айтмай, сиз эшитманг, болалар.

Гапнинг индаллоси, ҳалиги фрицни ҳам ортмоқлаб жардан чиқди-ку, эгасиз, оралиқ майдонга тўғри келиб қолибмиз денг. Немис тоза ўққа тутиб берди. Яхшиям снаряд, миналар ҳаммаёқни шудгорлаб, ўйдим-чуқур қилиб юборган. Бир каттароқ чуқурга юмалашиб тушдик. Қарасам, фриц юқорига ўрмалаб қолди. Ҳай-ҳайлаб, оёғидан тортдим, қўлини боғлаб қўйдим. Позициямиз томонга судралиб кетдик. Асир инграйди, уни бамисоли молага ўхшатиб судраб кетаяпман. Қисқаси, бир амаллаб ҳандақларимизга етиб олдик. Йигитлар термосларни олиб, овқатни тарқатишди. Мен асирни рота командирига топширдим, жардаги воқеани баён қилдим.

— Нега сафсата сотасан? У томон ботқоқлик-ку!

— Қуп-қуруқ жар, — дейман ҳеч нимани тушунмай. — Бутазор.

— Харитадан ўзим кўрганман. То қўшни ротагача бир километрдан зиёд ботқоқ жар.

— Бир пайт ботқоқ бўлса бўлгандир. Ҳозир қуриб ётибди. Танк ўша жарда келаётганди.

Энди командир шошилиб қолди. Алоқачини чақириб, мен билан асирни батальон штабига кузатиб боришни буюрди. Ёшгина капитан гапларимни эшитиб, телефонга ёпишиб қолди. Полк билан гаплашяпти, деб турибман ўзимча. Охири менга раҳмат айтиб, қўлимни сиқди. Бир ойча ўтиб, ўша капитан билан келган бир полковник мана шу нишонни кўксимга тақиб қўйди.

Биз юмалоқ жез ичига танка расми туширилиб, теварагига «За отвагу» деб ёзилган нишонга сеҳрлангандек қараб қолгандик...

Йиллар ўтди. Мол боқиб, елиб-югуриб юрган болалар улғайиб, оилали, бола-чақали бўлиб кетдик. Салимполвон ҳам Қоракўса томонга иморат қуриб, кўчиб кетди. Бир куни катта йўл бўйида машина кутиб турсам, ён кўчадан чиқиб келди. Салом бердим, сўрашаётиб:

— Ҳа, Тўлаганнинг укаси, ўзингмисан? — деб қўйди. — Аканг ажойиб йигит эди. Умри қисқа экан, ёш кетди, — кейин бироз туриб қўшиб қўйди. — Сени кўрсам, кўз ўнгимда аканг кулиб тураверади. Худоё умринг ўхшамасин.

— Салимполвон вафот этибди.

Бу шум хабар қишлоқни бир силкитгандай бўлди. Эшонгузар, Далигузарнинг катта-кичик кўчаларидан одамлар отлиқма-яёв чиқиб келишар, катта йўлга тушиб, аста-секин Қоракўса томон боришарди. Жанозага тумонат одам йиғилди. Тобут қабристонгача елкадан елкага ўтиб борди...

Жўра САЪДУЛЛО.
Тошкент вилояти.



Урушнинг тугаганига қирқ беш йил бўлди. Аммо у кунларни ўз кўзи билан кўрган жабрдийдаларнинг хотирасида бу уруш абадул-абад муҳрланиб қолди. Тошкент шаҳар Абдулла Набиев номидаги маҳаллада яқинда бўлиб ўтган хотира кечасида 38 нафар уруш қатнашчилари иштирок этдилар. Улар елкама-елка туриб жанг қилган жанговар қуролдошларини, уруш хотираларини, бугунги ёруғ кунларимизни кўриш насиб этмаган марҳум дўстлари хотирасини ёд этгани бу ерга йиғилишди.
СУРАТДА: қуролдошлар учрашуви.
В. ТЎРАЕВ сурати.

Эл дардига эш бўлиб

Ғани ака Алиевнинг ўспиринлик йиллари таҳликали кунларга тўғри келди. Эндигина ўрта таълим шаҳодатномасини қўлига олган йигитча 1942 йилнинг январида ўз тенгқурлари қатори кўнгилли бўлиб урушга кетди.

Ғани ака Ғарбий фронтнинг 5-армиясига қарашли 29-гвардиячи дивизияси сафидаги 93-полк жангчилари билан биринчи жангга кирди. Улар хизмат қилаётган полк Можайск, Уваровка, Гжайск (ҳозирги Гагарин) шаҳарларини немис босқинчиларидан озод қилишда қатнашди. Ана шундай жангларнинг бирида у оёғидан яраланиб, Горький шаҳридаги ҳарбий касалхонага тушиб, қолди. У ердан даволаниб чиққач, Болтиқбўйи жумҳуриятлари ва Шарқий Пруссияни босқинчилардан тозалаш жангларида иштирок этди. Бутун халқимиз орзиқиб кутган Буюк Ғалабани Кенсбергда кутиб олган Ғани ака 1946 йилнинг февралида она шаҳри — Тошкентга қайтиб келди. Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтига кириб ўқиди. Инглиз тили бўйича мутахассис бўлиб етишди. Дастлаб шаҳримиздаги 90-, кейинроқ 115-ўрта мактабларда ёш авлодга бу тилнинг сир-асрорларини қунт билан ўргатди.

Ғани ака ҳамон тиниб-тинчимайди. Ҳалиям бақувват. Мана, қарийб ўттиз йилдан бери «Ўқитувчи» нашриётида чет тиллар адабиёти редакциясининг мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

Ғани акани байрам кунлари сира тополмайсиз. Мактабда, маҳаллаларда одамлар билан «дард»лашиб юради.

— Одамнинг заҳрини одам олади, — дейди Ғани ака. Шунинг учун ҳам бир зум уйда ўтириб қолсам, юрагим «тарс» ёрилиб кетади. Айниқса, ёшлар билан учрашишни ёқтираман. Уларга уруш ҳақида, мамлакатимиз халқларининг дўстлиги ҳақида ҳикоя қилгим келади. Бугунги ёшларимиз ҳақиқатни, урушнинг нималигини, ўзидан олдин ўтган ота-боболарининг не-не оғир кунларини бошидан кечирганликларини билишлари керак...

Ибодулла ШОЙМАРДОНОВ

ОРЗИ БОБОГА ХАТ КЕЛДИ

Орзи бобо тушликка келган эди. Невараси дарвозадан чопқиллаб кирди-да, иссиқдан бўғриққан юзларини артиб:

— Бова, бова, сизга хат келди, хат! — деди шошиб. Орзи бобо аввалига ишонмади. Бошқагадир, неварам тушмагур адаштириб олиб келгандир, дея хаёлидан ўтказди. Конверт устида: «Қарши районидаги Шредер номли совхоз, Узудаги Шредер номли совхоз, Узунова қишлоғи, Жумаев Орзи бобога» деб ёзилган эди. Бобо ҳайрон бўлиб хатни неварасига узатди.

— Ўқи-чи, қизим, нима деб ёзибди, — деди бобо қизиқиб. Невара хатни очиб ўқий бошлади:

«Ҳурматли Орзи бобо Жумаев, сизга муҳим бир илтимос билан хат ёзаяпмиз. Илтимосимизни ерда қолдирмассиз, деган умиддамиз. Илтимосимиз шуки, мактабимизда кўп вақтдан буён «Қизил изтопарлар» клуби ишлаб турипти. Сизнинг пулемётчи ва разведкачи сифатида Улуғ Ватан урушида иштирок этганингиз ва бир неча орден, медаллар билан мукофотланганингиз ҳақида айрим маълумотларни биламиз. Илтимос, бир дона сурат билан биз сўраган маълумотларни ёзиб юборсангиз, Клубимиз ишига катта ёрдам берган бўлардингиз, деб Бухоро вилояти, Когон ноҳияси, Ленин номли мактаб, 9-а синф ўқувчилари Раҳимова ва Ширинovалар».

Орзи бобо хаёлга толди. «Эҳ, болаларим-эй, бу хотираларни тиклаш, қоғозга тушириш осон эканми?» Бобо хатни кўкрак чўнтагига солиб, ишга жўнади. У болакайларнинг хатига жавоб ёзишни нимадан бошлашини билмай, йўл-йўлакай бош қотди. Урушдан олдин 30-йилларда етимликнинг азобини кўриб, эшикма-эшик юрганлари ҳақида ёзсинми? Ё Бухорода етимхонада тарбияланган дамлари тўғрисида тўхтасинми? 1942 йили, ўн етти ёшида кўнгилли бўлиб фронтга жўнаш учун ариза кўтариб, ҳарбий комиссариатга борганини ҳикоя қилсинми? Яхшиси, жанг майдонидаги хотира дафтарини варақлай қолсин.

Орзи Жумаев учинчи марта Бухоро ҳарбий комиссариатига ариза кўтариб борганда, унинг илтимоси қондирилди. Фарғонадаги 211-миллий полкда тайёргарликдан ўтди. 43-йилнинг февралида ҳақиқий ҳарбий ҳаракатларда қатнашди. Чексиз Белоруссия ўрмонлари, оёқ қўйса ютиб кетадиган ботқоқликларни кўриб, даҳшатга тушди. Бу ерлар осмонида юлдузлар чақнаган, қир-адирлари қўй-қўзилар овози билан тўлган, пахтазорлари уфққа туташган Ўзбекистонга ўхшамасди. Жанг майдонига кирмай, уларнинг қўлларига белкурак тутқаздилар. Ярим метр кавлар-кавламас сув чиқади, тиззагача балчиққа ботади одам. Бу аҳволда қандай жон сақлаш мумкин? Окопларга дарахт шохларини кесиб ётқизилди. Солдатларнинг уйи, қўрғони — дарахт, кўрпаси — шинель, кўрпачаси — балчиқ устидаги шох-шабба бўлди. Буларнинг қайси бирини болажонларга ёзсин! Ҳали бу жанг олдидаги қийинчиликлар, снаряд ва миналарнинг даҳшатли портлашлари, жанговар дўстлардан ажралиш, оғир ярадор бўлиб госпиталда ётиш, сўнг бир оёқдан ажралиш... Булар ҳақида ёзиш даҳшат-ку?

1943 йилнинг қишида Орзи Жумаев хизмат қилаётган 610-ўқчи полк Ржев шаҳрини озод қилиш учун душман билан юзма-юз турарди. Шундай оғир шароитда шаҳарни озод қилиш учун ҳал қилувчи жанглар бошланди. Орзи ака пулемётини судраганча жангчилар ортидан борарди. У бугун биринчи марта жангга киряпти. Шундоққина кўз ўнгида отишмалар бошланди. У пулемёт лентасини ушлаганча бир зум лол қолди. Дўстлари, илгарилаб кетаётган солдатлар душман ўқидан юз тубан йиқиларди, немислар уларни аёвсиз ўққа тутарди. Орзининг кўзларига қон югурди, ғазабдан қўллари қалтирар. «Ахир, одамларимизни ўлдиришяпти-я», деб пичирлади у. Қулоқлари остидан ўқлар визиллаб учди, снарядлар портлади. Шунда Орзи ҳам кўкрагини пулемётга тираб, нишонга ола бошлади. Қузғундай бостириб келаётган ёвни аямай ўққа тутди. Ёнидаги дўстлари унга мадад берди. Пулемётлар «сайраши»дан, ўқлар овозидан қулоқлар қоматга келди. Қийқиришиб келаётган душман солдатлари саросимага тушиб, чекинишга мажбур бўлдилар. Жанг шу билан тугади. Аммо Орзи пулемётига тирсагини тираб, ич-ичидан куйинарди. Қанчадан-қанча дўстлари ҳали ўқ узишга ҳам улгурмай, душман ўқига учради.

Орзи Жумаев 1943 йил февралидан 1944 йилнинг охиригача Ржев, Псков, Старая Русса, Петразаводск шаҳарларини, юзлаб қишлоқларини душмандан озод этишда иштирок этди. Бир неча марта яраланди. Аммо жанг майдонини ташлаб кетмади. Айниқса, у Великулук шаҳри учун бўлган жангларда жасорат кўрсатди. Разведкачилар бригадаси бўлиб, душман истеҳкоми ҳисобланган бир нечта ертўлани портлатди, олтита «тил» тутиб келди. У бу жасорати учун «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланди. Орзи аканинг разведка соҳасида тажрибаси орта борди. Унга жиддий жанговар топшириқ юкланди. Кейинги топшириқлардан бири — ҳаводан ташланган икки жосусни тутиб келтириш бўлди. Разведкачи бу ишни қойил мақом қилиб бажарди. Орзи Жумаев бу шижоати учун «Қизил Юлдуз» ордени, дўстлари эса «Жасурлиги учун» медали билан мукофотландилар.

Разведкачининг иши ҳар доим ҳам ўнгидан келавермайди. Орзи ака ҳаётида ҳам шундай бўлган. Петразаводск шаҳрига муҳим топшириқ билан юборилган сержант Жумаев группаси душман қўлига тушиб қолади. Орадан бир кун ўтса ҳам, улардан дарак йўқ. Қисм командири разведкачилардан муҳим маълумотлар кутаётир. Ҳужумга ўтиш ҳақида эса буйруқ бор. Уларни кутиш бефойда. Шу куни бутун дивизия ҳужумга ўтди. Петразаводскнинг ҳар биноси, ҳар кўчаси учун қаттиқ жанг бўлди. Бу пайтда Орзи ака бошлиқ разведкачилар қаттиқ қийноқ остида эдилар. Шу пайт яқин-атрофдан отишмалар эшитилиб, «ура» садолари янгради. Разведкачиларни сўроқ қилаётган немис зобитлари саросимага тушиб, ўзларини қўярга жой тополмай қолишди. Немислар ўз тилларида алланималар деб бақириб-чақиришиб, ҳеч бир иш чиқара олмаганларидан сўнг разведкачилардан иккитасини отиб ташлашди. Орзи ака фарғоналик Ҳакимжон, бухоролик Собиржон Саидовлардан жудо бўлади. Қисмларимиз етиб келиб, уларни душман қўлидан озод қилмаганларида, немислар уларни ҳам отиб ташлашлари турган гап эди. Оғир қийинчиликлар билан 1944 йилнинг баҳорида шаҳар босқинчилардан батамом тозаланади.

Жангларнинг бирида Жумаев бошлиқ разведкачиларга Дисна дарёси кўпригини душман бомбардимонидан сақлаб қолиш вазифаси юкланди. Улар кўприкни қўриқлаётган пайтда тўсатдан душман самолётлари пайдо бўлди ва кўприк устига миналар ёғдира бошлашди. Ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетди. Миналарнинг бири Орзи акага яқин жойда портлади. Тупроқ билан қўшилиб уни ҳам осмонга ирғитди. У кўзини очганда дала госпиталида ётарди. Оғриқнинг зўридан қаери дарз кетганини билмай, Орзи ака бутун гавдасини қўли билан пайпасларди. Тузук, ҳамма жойи бутунга ўхшайди. Йўқ, чап оёғи томон узатилган қўл муаллақ қолди, сондан пастда ҳеч нарса йўқ, кесиб ташланган. Хўрлиги келди, ўкириб йиғламоқчи бўлди. Бироқ, дод солишга ҳам улгурмай қолди. Душман тўпидан отилган снаряд госпиталда портлади. Омон қолган беморлар Кострома шаҳрига, госпиталга жўнатилди. Орзи Жумаев яна бир ўлимдан қолди. Снаряд зарбидан кроват учиб, икки қовурғаси қаттиқ шикастланганди. Ҳушига келганда унинг бутун гавдаси оқ мато билан чандиб ташланган эди.

Орзи Жумаев Ғалабани Кострома госпиталида кутиб олди. Врачлар, ҳамширалар унинг тезроқ соғайишига ёрдам беришди. Айниқса, госпитал ошпази Мария Александрованинг Орзи акага меҳри бўлакча бўлди. Оғир аҳволда ётганда неча-неча марта овқатлар едириб қўйди. Табиатан руҳан тетик, ҳазилкаш, хушчақчақ ўзбек йигитини Мария опа кейинчалик севиб қолди. Улар турмуш қуриш учун бир қарорга келишган эди. Шундай қилиб, ўтли, оловли, жангу жадалли йилларда Орзи ака билан Мария опанинг қалблари бир-бирига туташди. Аммо, Орзи ака кўп яхшиликлар қилган бу рус қизини қаерга олиб боради? Бирор бошпанаси бўлмаса, ўзи эса одамлар эшигида етим ўсган бўлса? Қишлоғидан ҳам чиқиб кетганига анча йиллар бўлган. Борганда ҳам уни ким танирди. Нима қилсин, шу ерларда қолсинми?

Туғилиб ўсган юртга, она қишлоққа, қариндошларига тириклигини билдириб, хат ёзди. Хатнинг бир чеккасига Мариянинг ҳам саломини қўшиб қўйди. Тез кунда жавоб ҳам келди. Ҳамқишлоқлари тезроқ уни келишини тайинлашган эди. 1946 йилнинг охирида Мария опа билан у йўлга отланди. Ҳамқишлоқлар фронтчи йигит ва унинг оиласига бошпана беришди, ўз жигарларидай қабул қилишди, оғир кунларида таянч бўлишди. Эр-хотин далада ишлай бошлашди, пахта экишди...

Орзи бобо Жумаев ҳамон сафда. Коммунист жангчи, илғор пахтакор бекорчиликни ўзига эп кўрмайди. У ҳамиша одамлар орасида. Шредер номли совхозда боғ қоровули бўлиб ишлайди. Ўзини меҳнат билан овутади. Унинг урушдан кейинги ҳаёти ҳам шундай жўшқин меҳнат, яратувчилик билан ўтаяпти. Орзи бобо бухоролик ўқувчиларга, «Қизил изтопарлар»га жавоб йўллашни биздан илтимос қилди. Биз унинг илтимосини адо этиб, ушбу сатрларни битдик.

Исмоил АМИРҚУЛОВ.

ТОҲИР ОТАНИНГ ДАРДИ

...Кучли снаряд портлади. Алоқа узилди. Уни тиклаш алоқачи, катта сержант Тоҳир Саидиевга топширилди. У буйруқни кечиктирмай бажариш учун белгиланган жойга эмаклаб кетди. Атрофда кузнинг ҳазин манзараси. Шунга қарамай ҳали ҳам офтобнинг иссиқ тафти уриб турибди. Белидан ўқ узиб, ярим танасидан жудо бўлган дарахтлар гўёки, жони узилган жангчиларни эслатади. Ҳар ёқдан дўлдек ёғилаётган ўқлар, тўпларнинг ваҳимали қичқириғи кишини даҳшатга солади.

У шу тобда алоқа узилган жойга келиб қолди. Ишни тезлигда учаётган ўқлар ҳатто ердан бош кўтаришга қўймасди. Аммо шунга қарамасдан Саидиев чаққонлик билан симёғочга тирмашиб чиқди-да, узилиб қолган алоқа симларини улади. Лекин симёғочдан эндигина тушаётган пайтда душман ўқи тегди. Бу воқеа 1942 йили, Украинанинг Золотоножа шаҳрида бўлган эди...

Тоҳир ота 1938 йилнинг 20 сентябрида ҳарбий хизматга чақирилди. У вақтлар тинч замонлар эди. Ҳеч кимнинг хаёлига яна уч йилдан сўнг уруш бошланиши келмаганди. У Польшанинг Люблин шаҳрида ўз йигитлик бурчини ўтаётганди. Хизмат муддати икки ойдан сўнг тугарди. Аммо тўсатдан бошланган уруш унинг ҳам тақдирини бутунлай тескари томонга ўзгартириб юборди. 1943 йилгача эгнидан ҳарбий кийимини ечмади. Энг даҳшатлиси, ҳали шафқатсиз урушнинг охири кўринмасди...

Тоҳир отадан уруш йиллари қандай яраланганликларини, ўша талотўмли кунларда бошидан кечирган азоб-уқубатлари тўғрисида сўрасам доим қўл силтайди:

— Э, қўй қизим, керакмас. Нима қиласан дардимни қўзғаб? Ярадор бўлганим, ногирон бўлиб қолганим менга сира алам қилмайди, — дейди ота «уфф» тортиб. — Мени бошқа дард қийнайди. Биз уруш йиллари ҳар хил миллат фарзандлари елкама-елка туриб жанг қилганмиз. Руслар ҳам, украинлар ҳам, гуржилар ҳам, латишлар ҳам бор эди батальонимизда. Бир-биримизни суярдик. Ҳали-ҳали эсимда, батальонимизда Заболоцкий деган рус ва Исаак Саламонич деган яҳудий жангчилар хизмат қилишарди.

Бугун-чи, ҳар куни турли жойда, жанжал-тўполон. Мана олайлик, арманлар билан озарларнинг жанжалини. Бу гапларни эшитиб, жуда эзилиб кетаман. Ахир ҳачонлардир озарбайжонлар арманлар учун, арманлар озарбайжонлар учун жон олиб, жон берган-ку?

Э, болам, айтаверсам дардим кўп. Шунисига ҳам шукур қиламан. Болаларим, невараларим бошимда парвона. Шунинг ўзи катта давлат мен учун...

Дилхумор ПУЛАТОВА
ТОШКЕНТ.

Жангчи шоирлар ижодидан

ХОТИРА

Миномётни жангга шайлаб, иккимиз
Ёнма-ён тиз чўкиб қилардик суҳбат.
Шу пайт биз тарафга ўқ учди виз-виз,
Ёнбошга ағнадик: нақадар даҳшат.
Пешонангдан тегди снайпер ўқи,
Чиройли овозинг абадий тинди.
Юрт ишқида жўшқин сатрлар тўқиб,
Менга ўқимайсан, дўстгинам, энди.
Ширин орзуларинг бор эди анча,
Ижодинг бўлганди кичик бир дафтар.
Севгилингдан мактуб олгандинг кеча,
Энди унга борар сендан шум хабар.
Қанча-қанча мардни йўқ қилди уруш,
Ерингдан узоқда кўмилдинг сен ҳам.
Бу уруш туфайли минглаб гул турмуш
Хонавайрон бўлди, қалблар тўла ғам.

Тўра ЖУМАН.

НОМАЪЛУМ СОЛДАТ

Қуршайвер, эй, зилдайин сукут,
Бошлайвер, эй, мармар хиёбон.
Чарх уравер лов-лов ёнган ўт,
Сеҳрлайвер муқаддас макон.
Бунда ётур Номаълум солдат,
Деб аталмиш бир фидойи жон.
Ёшига ёш қўшолмас фурсат,
Шу боис у мангу навқирон.
Сукут сақлаб турмуш дов-дарахт,
Ҳатто мангу ўт ёнар бесас.
Бунда тил ҳам, эс-ҳуш ҳам карахт,
Ҳатто ел ҳам шўхлик этолмас.
Номаълум деб аталган солдат
Номаълум деб сўзланур шартли.
Мардлиги ҳақ, бўлиб каромат,
Тирилгудай бўлса башарти,
Пайдо бўлиб ҳов ўша сурон,
Ер юзига солгайдур ларза.
Дилга сиғмай кетиб ғалаён,
Жонлангай у саф тортган лаҳза.
Шу боис у, бирмас, миллионлар
Пок руҳин ҳам айламиш тугал.
Шу боисдан жанговар онлар
Аросати кўринур ҳар гал.
Жанг ўтига ўзини урган
Шу қурбонлар қуролдошларим.
Ўлимни ўз кўзила кўрган
Ёшликдаги мард тенгдошларим.
Кўпдан ортда жангу талофат,
Шукур, аскар, юртинг тинч-омон.
Даф бўл уруш деган касофат,
Тинчлик учун кўксимиз қалқон.

Зоҳиджон ОБИДОВ.



Урушдан қайтмаган ўғлонлар... Уларни кута-кута бу дунёдан армон билан ўтган оналар.

Н. АКИМОВ Сурат нусхаси. (ТАСС).

АЛАМЛИ ҚАЛБЛАР

Урушнинг фожиалари сон-сиз-саноқсиздир. Унинг энг даҳшатлиси — ўлим. Фақат ўлимнинг ўзигина эмас, балки ҳар хил кўринишдаги азоб-уқубатлар ҳам...

Жанг майдонида фақат йигитлар эмас, қизлар ҳам бўлғувчи эди. Улар алоқачилар, санитар-ҳамширалар, йўл қоидаларини тартибга солиб турадиганлар. Буларнинг ҳам ўзига хос ҳаёт тарзи бор эди.

Қисм, батальон, команда пунктларида иккита-учта қизлар учраб қоларди. Улар одатда командир ертўласининг олдинги қисмида ўтириб, бошқа қисмлар билан рация орқали алоқа олиб боришарди. Ўтирган жойларида «Мен «Берёза», «Мен «Бургут», сизни алоқага чақираяпман, қандай эшитдингиз. Жавоб беринг, қабулга ўтаман!» деган овозлар доим янграб турарди.

...1944 йил Ленинграддаги Суворов номидаги ҳарбий госпиталда даволанардим. Лариса исмли ҳамширамиз бўларди. Бўйи ўртача, бошқа оврупаликларга нисбатан юзи ясси, негадир тишлари сийрак эди. Сийрак тишларини кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек кулмай юрган пайти кам бўлур эди унинг. Кулганда ҳам хохолаб кулар, унинг кулишидан палата ҳам тўлиб кетгандек бўларди. Ҳамширанинг юриш ҳаракатлари ҳам ўзига хос эди. Палатага кирганда хонага бир қучоқ нур киргандек ҳис қилар эдик. Тез кунда Ларисага жуда ўрганиб қолдик. Усиз биз на палатамизни, на госпитални тасаввур қилар эдик.

Эрталаб палатага биринчи бўлиб у кирар эди. Ушандаёқ, унинг юз-кўзлари, бутун қиёфасидан нур ёғилаётгандек сезилар эди бизга. Сўзлари ҳам ширин эди.

Лариса палатанинг асл эгасидек салмоқлаб қадам ташлаб ҳар кимнинг олдига келар, юз-кўзига бир назар ташларди.

— Тузук, ҳатто кечагидан кўра ҳам тузуксан, — деб беморнинг кўнглини кўтариб қўяр, кейин иккинчи бемор олдига ўтарди, гўё беморларнинг тузалиб кетиши фақат унга боғлиқдек.

Ларисанинг саховатда ҳам тенги йўқ эди. Палатада ёши улуғ, китобхон бемордан бошқа ҳамма унга муҳаббат изҳор қилар, у эса доимо бир хил жавоб берар эди. Гап орасида:

— Қишлоғингга олиб борсанг, қаердан олиб келдинг бу дайди қизни, деб ҳайдаб юбормайдиларми? Кейин мен қаёқларга бораман? — деб муҳаббат изҳор қилганларга ҳазиллашар ва шу билан беморлар кўнглини кўтариб қўяр эди.

Муҳаббат изҳор қилиш, унга жавоблар ҳам ярим ҳазил, ярим чин алпозда бўлса ҳам, бир воқеа Лариса билан беморлар орасидаги мулоқотга дарз етказди. Бундан кейин ўзимиз ҳам ўрнини тўлдириш қийин бўлган жиддий бир йўқотишни бошимиздан кечиргандек бўлдик.

Палатадошлар ичида ўта эпчил йигит бор эди. Кўриниш жиҳатдан у унча ёқимтой эмас эди. Бунинг устига бомба парчаси нақ оғзига тегиб юқори ва пастдаги олд тишларини юлиб кетган, лаб-лунжини дабдала қилган бўлиб, юзининг пастки томони яра ўрни чандирлардан иборат бўлиб қолган эди. Палатада ҳар кимга ўзига яраша лақаб топиб қўйиларди. Бу дўстимизнинг лақаби оддий — «тишсиз» эди. «Тишсиз» илгари ярадор бўлган бўлиб, бу гал у бошқа касалдан даволанар эди.

Кунларнинг бирида «Тишсиз» Ларисадан бир ғалтак ип топиб беринг, — деб сўраб қолди. Лариса, ипнинг нимага керак эканини англаёлмасдан бир-икки кун «Тишсиз»га чап бериб юрди. Бироқ «Тишсиз» қўярда-қўймай Ларисадан ғалтак ипни ундириб олди. Унинг мақсади ҳам тез орада маълум бўлиб қолди. Дераза олдига ўтириб олиб рўпарада, кўчанинг нариги томонида бомбалардан шикастланган том ямоғи билан банд қизларни ўзига жалб қилиб олди. Имо-ишоралар билан уларга хат ёзганини билдирди. Хатни Ларисадан ундирилган ипга боғлаб пастга юборди.

Узоқдан бўлса ҳам маълум бўлдики, хатни кўриб қизлар орасида ғала-ғовур бошланди. Гоҳ тўпланишди, гоҳ тарқалишди, нималарнидир маслаҳатлашгандек бўлишди. Ниҳоят қизлар вакили пастга тушди ва юқоридан узатилган хатни олиб ўзлари ишлаётган имо-рат ичкарисидан томга кўтарилишди. Қизлар орасида жиддий машварат бўлди. Ўз навбатида улар ҳам жавоб мактубини ёзишди.

Бу томондаги олтинчи қават билан у томондаги 8 қаватлик имо-рат томидаги алоқа айни авжида вақтида одатдагидек шаҳдам қадам билан ёйилиб-ёзилган ҳолда Лариса кириб келди. Аввало дераза олдида уймалашиб турган беморларни кўриб таажжубланди. Палата ўртасига келиб тўхтаб қолди. Биз тезкорлик билан тарқалишиб ўз ўринларимизни эгалладик. Шу орада Ларисанинг кўзи рўпарадаги имо-рат томидаги бир гуруҳ қизларнинг биз томон имо-ишораларга тушди. Лариса нима дейишни билмасдан ҳамон палата ўртасида турарди. Бу вақтда унинг хаёлидан нималар ўтганини англаб олиш қийин эди. Лариса ҳеч нима демади-да, ўзига ярашмаган равишда секин орқасига бурилди ва палатадан чиқиб кетди... Беморлар бир-бирларига қарашди. Баъзилари жим бўлиб каравотга ёнбошлашди, баъзилари хаёлпаришон ҳолда анча вақтгача жим бўлиб қолишди. Жимликни «Тишсиз» бузди:

— Нима бўпти? Хафа бўладиган ҳеч гап бўлгани йўқ. Лариса, ўз вазифасини адо этаётир, — деди-да, ўзича яна алланималар деб ғўлдиради. «Тишсиз» бўлгани учун унинг гаплари ҳам ғалати чиқар, унинг оғзидан овоздан кўра кўпроқ ҳаво чиқаётгандек бўлар эди. Биз катта айб иш қилиб қўйган болалардай жим эдик. Одатда бирор марта бизнинг хатти-ҳаракатларимизга эътибор бермайдиган, китоб ўқишдан бош кўтармайдиган ёши катта инженер аскар бўлиб ўтган воқеадан ҳайратлангандек қўлидаги китобини ёпиб бизни бир-бир кўздан ўтказди-да:

— Ёшсизлар-да, ёшсизлар... — деб қўйди.

Ўша куни Лариса палатага бошқа кирмади. Эртаси куни у секин ва оҳиста кириб келди. Энди биз унинг келиши билан хонага кириб келадиган бир қучоқ нурдан маҳрум эдик. Муомалаларида унга ярашмайдиган расмийлик пайдо бўлди. Беморлар ҳам муҳаббат бобида гап очишдан чекландилар.

Бир неча кундан кейин томдаги қизлар хат ёзишган беморларни кўриш учун госпиталь ҳовлисига келадиган бўлишди. Тушликдан кейин палатада «китобхон» бемордан бошқа ҳеч ким қолмас, эшитишимизга қараганда Лариса ҳам кам кирадиган бўлиб қолган экан. Кирган тақдирда ҳам маъюсланиб бизни тополмасдан қайтиб кетадиган бўлибди.

Бу ҳол ҳам узоққа чўзилмади. Бирин-кетин чиқиб жанг майдонига жўнадик. «Тишсиз» билан иккаламиз госпиталдан энг охирида чиқдик. Иккаламиз I Болтиқбўйи фронтидаги ҳарбий қисмлардан бирига жўнаб кетдик.

Қизларнинг кўнгли ўта нозик бўлади, ўзи ишонмаган нарсага ҳам умид бағишлайверишади, — деди «Тишсиз» Лариса билан бўлган воқеани эслаб. Мен эса Ларисанинг кўнгли синганидан ҳамон ачинар эдим...

Матёқуб ҚУШЧОНОВ.

Урушнинг номи ўчсин

Уруш ҳеч қачон бирор бир миллат ва элатга бахт келтирмаган. Шу жумладан Улуғ Ватан уруши келтирган кулфатлар, алам ва фиғонлари айтиб адоғига етолмайсан киши. Бу уруш ўзбек халқининг ҳам бағрини ярим қилиб кетди. Минг-минглаб оилалар жабр тортди. Э, бу азобларни айтаверсанг ҳали-бери тугамайди...

Келес шаҳрида яшаган Мирҳамид ота Миртолипполвар оиласидан ҳам 6 нафар ўғлон урушга кетиб... Бунинг тарихи узун.

Биринчи бўлиб катта ўғил Миркарим жўнади. Иккинчи ўғли Мирсалимга ҳам чақирув қоғози келди.

Мирҳамид эса 1939 йили армияга кетган эди. Киев ҳарбий мавзесида ўз йигитлик бурчини ўтаётганди. Уйга қайтишига саноқли кунлар қолганди. Мирсаид 1941 йилнинг 24 июнида мактабни тугатиб, уруш бошланган, далага чиқиб кетди. Миртурсун уруш бошланган пайтда «Тошсельмаш» қошида очилган ФЗУда ўқирди. Уларни ҳам Москва остоналарида мудофаа иншоотлари қуришга жўнатишди. У ёқдан тўғри фронтга кетиб қолди. Мирҳамид ота куёви Абдурасулни ўзининг олтинчи ўғли деб биларди.

Мирҳамид ота (менинг бобом) бувим Тожибуви иккаласи фарзандларини урушга жўнатиб бағрилари ҳувиллаб қолган. Ўғилларидан мактублар келиб турарди.

1942 йил. Миркаримдан сўнг Мирсаиддан ҳам қора хат келди.

Бобом ниҳоятда иродаси мустаҳкам киши эдилар. Бу хунук хабарларни анча вақтгача бувимга айтмадилар.

1943 йилнинг октябрь ойида менинг отам тўғрисида шум хабар келди.

Ниҳоят ҳаммамиз орзиқиб кутган Ғалаба куни ҳам етиб келди. Кимдир суюнган, яна кимдир йиғлаган. Ҳар куни ҳар хил янгилик. «Фалончининг отаси урушдан келибди, фалончининг эри ўлмаган экан» деган гаплар. Бизнинг ҳам тинчимиз йўқ. Дарвоза «тиқ» этса ҳаммамиз югуриб чиқамиз. Эндиги ёлғиз умидимиз ўлик-тириги номаълум бўлган Миразиз акамдан эди...

Қўшнимиз Собиржон аканинг уйланиш тўйлари бўлаётганди. Бутун маҳалла уларникида. Бир пайт бизникига бир йигит жомадон кўтариб кириб келди. Дарров ойимни чақирдим. Ойим нотаниш аскарни кўриб ҳайратдан қотиб қолдилар. Аскар бўлса аранг «Миразиз акам, Миразиз акам кел...» дея олди, холос. 200-300 метрлар нарида турган иккита аскарни кўриб ойим югуриб кетди. Мен эса тўйхонага чопдим. Бобомни топиб, йиғлаб юбордим. У киши ҳайрон. «Нима гап, бундоқ тушунтириб айтсангчи, болам?» дейдилар. Мен гапиролмайман. Охири ўзимни тутиб олдим. «Миразиз акам келдилар» деганимни биламан, бобом кўчага отилиб чиқиб кетдилар. Ҳамма бизникига кела бошлади. Бувим акамни кўриб ҳушидан кетиб қолдилар...

Миразиз акам урушгача омборчи бўлиб ишлаган эди. Уни яна шу жойига қўйишди. Катталар уни уйлантириш тараддудига тушиб қолишди. У киши эса «Йўқ, бир оз шошмай туринглар. Даволанишим керак» деди. Лекин қандай касаллик билан оғриганликларини бизга ҳеч айтмасди.

1946 йилнинг кузида уйлантириб қўйдик. Аммо қиш бошланиб, совуқ кунлар келгач, ишга ҳам боролмай қолдилар. Дардлари оғирлаша бошлади. Врачларга кўрсатишди, фойдаси бўлмади. Раҳматли тўйидан уч ой ўтгач қазо қилди. Бечора немислар концлагерида оғир хасталикка чалинган экан...

Уруш барибир урушлигини қилди. Унинг ортида азоб чеккан, бир кун бўлса ҳам ғалабанинг яқинлашиши учун жонини жабборга бериб ишлаганлар ҳам турли хил хасталикларга чалиниб, вафот этдилар. Бу уруш бобомнинг ҳам қаддини букди. 1956 йили у киши дунёдан кўз юмдилар. 30 ёшида тул қолиб, бир умр урушни қарғаб ўтган онам 1963 йили, 6 фарзанди йўлига кўз тикиб, йиғлаб ўтган бувим Тожинисо момо 1975 йили қазо қилдилар...

Бундай уруш энди ҳеч қачон бўлмасин...

Сайрамбой АБДУРАСУЛОВ,
врач.

ДУТОР

(УРУШДА ҲАЛОК БУЛГАН АКАМ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАЙМАН).

БИР КУНИ эртароқ уйдан чиқдим. Йўлда қадрдон дўстим билан учрашиб қолдим. У билан узоқ гинахонлик қилишдик. Тез-тез учрашиб туришга аҳд қилиб, хайрлашдим. Муюлишдан энди бурилиб, ўн-ўн беш қадам юрган эдим, шохлари тарвақайлаб ўсган, ўрик дарахти бор ҳовлидан дутор овози эшитилди. Дарвозага яқинроқ бориб тингладим. Назаримда дутор эмас, чалаётган одам йиғлаётганга, нола қилаётганга ўхшарди. Аъзойи-баданим зирқираб, совуқ тер чиқиб кетди. Турган еримда қотиб қолдим. Ажабо, дутор садоларига қалбини қўшиб зор-зор йиғлаётган ким бўлди экан. Юрагимдан қаттиқ хўрсиниш келди. Чалавер, тўхтама, қўлинг дард кўрмасин, дердим беихтиёр. Унга таҳсин ўқиб, идорага кетдим.

Шанба куни йўлим яна шу кўчага тушди. Ўша таниш дарвоза олдига яқинлашганимда қулоғимга ўрнашиб қолган дутор овози эшитилди. Хайрият, санъат соҳиби шу ерда экан, деб юрагим бироз таскин топди. Бу сафар у дуторни аввалгидан ўн-юз чандон ортиқроқ, эшиб чертарди. Бармоқлари дутор торларини шу даражада сеҳрлаб қўйган эдики, ҳох «Гирия», ҳох «Муножот» бўлсин, ўша-ўша бирдек юракка қуйиларди.

Бир кўнглим уйга бостириб кирай, жигарпора шу одамни бир кўрай дедим. Йўқ, чалаётган аёл киши бўлса, мулзам бўлиб қолмай, деб ўзимни босдим. Кел, бошим маломатдан чиқмаса ҳам майли, розиман, шу санъат шайдосини бир кўрай деб эшикни аста тақиллатдим. Тақиллатдим-у, бу ишимдан ўзим афсусландим. Ҳадиксираб у ёқ-бу ёққа алангладим. Бироз туриб, юрагим яна эшикни тақиллат, дегандек бўлди. Юрак амрига бўйсуниб, яна эшикни тақиллатдим. Бу гал дутор овози тинди.

— Ким? — деган аёл кишининг овози эшитилди ичкаридан. Довдираб қолдим. Ҳозирги аҳвол руҳим худди қутидан ширинлик ўғирлаб, онасининг қўлига тушиб қолган болага ўхшарди.

— Мен... мен... ҳалиги, — дейишдан нарига ўтолмадим.

Бир вақт дока рўмоли билан юзини ярим беркитиб олган кампир эшик олдига келиб:

— Ким бўласиз, болам? — деди майингина.

— Онажон, мен... ҳалиги қўшни маҳалладан бўламан. Сиз мени балки танимассиз. Дутор эшитиш ниятида эшигингизга келдим.

— Хуш келибсиз, болам, уйга киринг. Чол ёлғиз ўтирибди. Олдига боринг. Чой тайёр. Дутор эшитиш бўлса қочмас, қоқиндиқ...

Бу гапни эшитиб енгил тортдим. Ичкарига кирдим.

Чорпояга эгнида оқ яктак, оппоқ соқоли ҳуснига савлат бўлиб тушган, бошига чуст дўппи кийган олтмиш-етмиш ёшлар чамасидаги барваста чол ўтирарди. Унинг ўнг томонида дутор турарди. У биз томонга кўзларини очиб-юмиб тикиларди. Мен унинг олдига борганимда у ёқ бу ёққа аланг-жаланг қилди. Унинг шу қарашидан кўзи ногирон эканлигини фаҳмладим.

Чорпоя олдига бориб, унга салом бердим.

— Ваалайкум ассалом, келинг, бўтам, —деб ўнг қўлини узатди. Кўришдик. Ёнига ўтирдим.

— Хуш келибсиз, бўтам. Ким бўласиз, хизмат? — деди.

Мен қўшни маҳаллалик эканлигимни, дутор эшитиш ниятида бу даргоҳга келганлигимни айтдим. У гапимни эшитгач, дастурхонни пайпаслаб, олдимга нон суриб қўйди.

— Онаси, меҳмонга чойни янгилаб келинг, — деди-да, менга мулозамат қилди. — Олинг, бўтам нонга қаранг.

Мен дастурхондан бир бурда нон олиб, еган бўлдим. Шу вақт кампир «Чойни қайтаринг, болам, нондан олинг», — деб олдимга чойнакни қўйиб кетди.

— Дутор эшитгингиз келибди-да, — деди чол бироздан кейин, — мана шу ҳовлида чол-кампир яшаймиз. Тилаб олган фарзандимиз бор эди. Омонатини ўзи олиб қўйди. Дутор чалган вақтларимда ёнимга келиб эшитарди. Ўқувли чиқди, икки йилда чалишга анча қўли келиб қолди. Ўрта мактабни битириб, гувоҳнома олган куни бир уй ёр-жўралари тўпланди. Роса ўйин-кулги қилишди. Мана шу дуторни ўша куни устадан олиб келиб, ҳадя қилдим. Ўғлим бирам севиндики, асти қўяверасиз.

Чорпоя четида омонатгина ўтирган кампир пиқ-пиқ йиғлай бошлади. Чол буни сезиб қолди.

— Онаси, қутингни тит, азиз меҳмонга топган-тутганингни қўй, — деди.

— Ҳа-я, эсим қурсин, ҳозир, — деб кампир кўз ёшларини дока рўмоли четига артиб, уйига кириб кетди.

— Ўзидан кўпайсин, деб холасининг қизига уйлантириб қўйдик. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас уруш бошланди. Август ойлари охирларида уни ҳам армияга узатдик. Кўчамиздаги хиёбонга ўрнатилган ёдгорликка кўзингиз тушган бўлса керак. Уруш йиллари ўша ер сайхонлиқ эди. Маҳалламиз аҳли шу ерга тўпланар, Ҳожи буви деган кампир урушга кетаётган йигитга оқ йўл тилаб, душманни тезроқ енгиб, бағримизга омон-эсон қайт, деб фотиҳа берарди.

Уруш охирлаб қолган йиллари эди. Бир куни кечқурун комиссиямиз Сайфулла (уни Домла ҳам дейишарди) уйга кириб келди. Анча вақтгача гаплашиб ўтирдик. Гаплари бир-бирига сира қовушмасди. Ниманидир айтмоқчи бўларди-ю, айта олмасди. Домла, очиғини айтаверинг, тинчликми, дедим.

— Отахон, ўғлингиз... ҳалиги... ҳалиги, — деб олдимга бир хат ташлади. Ўкраб йиғлаб юбордим. Кампир билан келиним қотиб қолди... Начора, бу бош нималарга бардош бермаган. Келиним иш билан овуниб кетди. Хонадонимиздан шодлик кўтарилди. Шум хабар зора ёлғонга чиқса деган умидда юрардим. Йўқ, чин экан. Уруш тугади. Омон қолганлар уй-уйига кириб кела бошлади. Аммо нуридийдамдан дарак бўлмади. Ғамдан белим букилди, кўзимдаги нур сўнди, шапкўр бўлиб қолдим. Шўрлик келинимга увол бўлди, эрининг дийдорига тўёлмай қолди. Биздан яшириб чет-четда йиғлаб-йиғлаб оларди. Бунга чидолмадим. Бир куни отасини айттириб юбордим. Сара гапни ўртага ташладим. Келиним уввос солиб йиғлади. Юпатдим, насиҳат қилдим. Гапимга кир қизим, биз умрингга зомин бўлмайлик, холисонилло, розимиз дедим. Кўрпа-ёстиқларни машинага ортдик. Ўғлимнинг кийим-бошларини ҳам олиб чиқинглар, дедим. Келиним кўнмади. «Бир оёғимиз ерда бўлса, бир оёғимиз гўрда, қизим, олиб кетганинг маъқул. Ўғлимдан ёдгорлик қилиб фақат шу дуторни ташлаб кетсанг бўлгани» дедим. Йиғлаб хайрлашдик. Ўғлим тирик бўлганда, набира кўрардим, уйимиз бозор бўлиб, ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб қолардик, деб афсус-надомат чекаман. Ўғлим эсимга тушганда қўлимга дутор оламан.

У пайпаслаб қўлига дуторни олди, созлади. Майин, мунгли куй атрофга таралди. Сўқир кўзларидан шашқатор ёш оқди. Сидқидилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш келар, деган гапга энди ишондим. Чол чарчади, чалишдан тўхтади. Оғир хўрсинди. Чой узатдим. Пиёлани учиб турган лабларига олиб бориб, хўплади. Ўрнимдан зўрға турдим. «Отахон, хайр, мен кетдим» деб изтиробда кўчага чиқиб кетдим.

* * *

УЧ ОЙ командировкада юрдим. Бир куни чол-кампирни кўриб кетай, деб уйига келсам, эшиклари қулфлоғлиқ. Қўшни эшикни тақиллатдим. Чол анча бурун вафот этганлигини, кампирни эса келини уйига олиб кетганлигини айтишди.

Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, орқамга қайтдим. Қулоғим остида ҳамон дутор овози янграрди.

Икром ҚОБИЛОВ.

ТВ

10 МАЙ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Жамиятшунослик. Совет жамиятининг революцион қайта қуришдаги асосий йўналишлари. 12.00 «Злобин услуби». Телефильм. 12.30 Ўзбек совет адабиёти. Зулфия ижоди. 13.00 «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Леопольд исмли мушукнинг сайри». Мультфильм. 17.50 «Актёрлар ва роллар». Огаҳий номли Хоразм вилояти мусиқий театрининг артисти Одамбой Бобожонов. 18.45 Жумҳурият театр арбоблари уюшмаси қошидаги «Ўзбекистон» мусиқий-хореографик театр студияси концерти. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Алифбо сабоқлари». 20.25 Реклама. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ички ишлар вазирлиги хабар беради...» 21.10 «Шеърият дафтаридан». Зоҳиджон Обидов. 21.20 Дутор ва танбур тароналари. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Бўстон» телевизион журнали. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Халқ истеъмол моллари» (рус тилида). 18.35 «Футболдан оғиз очманг». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Эсдалик учун дастхат» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Янгичасига хўжалик юритиш». Душанбе шаҳридаги «СССР 50 йиллиги» номли тикувчилик бирлашмаси. 21.30 Концерт программаси. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Волга-Волга». Кинокомедия.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Оққуш пати». Мультфильм. 8.15 «Қалбингиз таскин топади». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ленинград). 8.35 «Россияга меҳр-муҳаббат билан». Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти. 9.30 «Ғалабанинг гулгун шароби». Телевизион бадиий фильм. 10.55 «Стоп кадр». Илмий-оммабоп кинокўрсатув. 11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

15.15 Илмий хабарнома. 16.00 «Чехословакия: таниш ва нотаниш». 17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.15 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Нодипломатик суҳбатлар. 21.20 Эфирда мусиқа. 23.20 «Мезон». «В. Набоков мўъжизаси». 23.40 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.15 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал. 8.35. 9.35 Адабиёт. 8-синф. А. Т. Твардовский, «Василий Теркин». 9.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35. 11.35 Биология. 8-синф. Сут эмизувчилар. 11.05 Илмий-оммабоп фильмлар: «Ёдингиздами, Пришвинда...», «Мнемозинларни излаб».

* * *

16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Олтой телевидение студиясининг программаси (Барнаул шаҳри). 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 Городки спорти. Улуғ Ватан уруши ветеранларининг Ғалаба кунига бағишланган матчи. 19.15 «Уч банан». Мультфильм. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!» Олам яшайдиган орол». 19.45 Атлесизм. Европа чемпионати. Ленинграддан кўрсатилади. 20.20 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 20.25 «Яна цирк маликаси...». Свердловскдан кўрсатилади. 21.00 «Кино абонемент». «Кундузги юлдузлар». Бадиий фильм («Мосфильм»). 22.50 Тинчлик велопойгаси. ГДРдан кўрсатилади.

«ЁШ МУХБИРЛАР» ДОРИЛФУНУНИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Ёш ленинчи» рўзномаси қошидаги «Ёш мухбирлар» дорилфунунининг навбатдаги машғулоти шу йил 11 май куни соат 17 да редакция биносида ўтказилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Ёш ленинчи
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БУЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. 03209. Л. — 23461